БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 70 (19. 741). • 1987 йил 27 март, жума • Баҳоси 3 тийин.

КПСС Марказий Комитетида учрашув



Суратда: учрашув пайти.

ТАСС—ЎзТАГ телефотоси.

25 март куни М. С. Горбачев Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ташқи ишлар министрлари комитети мажлисининг қатнашчилари — ташқи ишлар министрлари: Болгария Халқ Республикасидан — П. Младенов, Венгрия Халқ Республикасидан — П. Варкони, Германия Демократик Республикасидан — О. Фишер, Польша Халқ Республикасидан — М. Ожеховский, Руминия Социалистик Республикасидан — И. Тоту, Чехословакия Социалистик Республикасидан Б. Хнеупек билан учрашди.

Ўртоқлик ва тўла ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган суҳбат чоғида министрлар Ташқи ишлар министрлари комитети иши қайта қурилиши муносабати билан мамнуният изҳор этдилар, бу жараён тобора ижодий иш бўлиб қолмоқда ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари биргаликда ишлаб чиққан йўлни рўёбга чиқаришда ҳар бир мамлакатнинг ташаббусини оширишни кўзда тутмоқда. Инсониятнинг омон қолишини, ҳар бир халқ, барча мамлакатлар учун мустаҳкам хавфсизликни таъминлашга, зўравонликсиз, ядро қуролисиз дунёни яратишга қаратилган совет ташаббусларининг катта аҳамияти таъкидланди. Ҳозир Совет Иттифоқида содир бўлаётган ва социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш, қайта қуриш ҳамда демократлаштириш билан боғлиқ бўлган жараёнларнинг социализм ва тинчлик тақдири учун тарихий аҳамияти алоҳида таъкидланди.

М. С. Горбачев Ташқи ишлар министрлари комитетининг ишидан мамнуният изҳор этиб, қардош социализм мамлакатлари ташқи иқтисодий фаолиятини мувофиқлаштиришнинг ана шу муҳим воситаси халқаро майдондаги ортиб бораётган ва мураккаблашиб кетган вазифаларга, социализм тинчликсевар сиёсати жаҳон тақдирига ўтказадиган таъсирининг тобора кенгайиб бораётган имкониятларига тўла мос бўлиши учун бу ишга янада жўшқинлик ва оперативлик бахш этиш зарурлигига тўхталди. Совет Иттифоқининг, Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг ядро халокатининг олдини олишга, қуролсизланишга қаратилган ташаббуслари жаҳон жамоатчилиги хайрихоҳлиги ва мададига сазовор бўлаётганлиги, бутун халқаро ҳаёт муҳитини ўзгартираётганлиги реал фактдир. Совет Иттифоқи уруш ва тинчлик масаласига ниҳоятда масъулият билан ёндашмоқда, инсонитни ядро қиргини хавфидан халос этиш учун қўлидан келган ҳамма ишларни қилади ва бундан буён ҳам ҳамма ишларни қилаверади.

М. С. Горбачев қардош партиялар ва мамлакатлар ўз муносабатларини тенг ҳуқуқлилик, мустақиллик, масъулият, ташаббус ва ҳамжиҳатликнинг мустаҳкам заминига қурмоқдалар, деб таъкидлади. КПСС, Совет Иттифоқи социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари коллектив бўлиб ишлаб чиққан йўлга ҳамиша содиқдирлар.

М. С. Горбачев Совет Иттифоқининг ички ишлари ҳақида гапириб, совет халқи социалистик тузум замиридаги имкониятларни рўёбга чиқариш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган вазифаларни ҳал этмоқда, деб таъкидлади. Қайта қуриш — жўн иш эмас. Қайта қуриш кураш билан, проблемаларни ҳал этиш билан амалга оширилмоқда, чунки у кўп кишиларга, бутун жамиятга дахлдордир. Аммо коммунистларнинг, барча совет кишиларининг нияти битта — улар ярим йўлда қолиб кетмасдан, совет халқи ҳаётининг барча жиҳатларини янгилаш ишини охиригача олиб борадилар.

М. С. Горбачев Ташқи ишлар министрлари комитети мажлисининг қатнашчиларига, социалистик мамлакатлар барча дипломатларига урушга йўл қўймасликда олиҳаноб мақсадга эришиш йўлида ижодий дадиллик, новаторларча ёндашув тилади. У Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатлар қардош партияларининг раҳбарларига ўртоқлик саломини топширишни ҳам илтимос қилди.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе ва КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев қатнашдилар.

(ТАСС).

МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИГА БАЙРОҚЛАР

Ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йилида Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришганлиги учун Янгийўл экспериментал колбаса заводининг коллективи КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга сазовор бўлди.

26 март куни корхона меҳнаткашларининг тантанали йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири П. В. Догонкин юксак мукофотни коллективга топширди.

«Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 1-нон заводининг коллективи ўтган йил якунларига кўра, Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ғолиби, деб топилди. Коллектив КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлди ва СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги Бутуниттифоқ Ҳурмат тахтасига ёзилади. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова корхона меҳнаткашларига мукофотни тантанали вазиятда топширди.

Г. С. Зайцев номли Бутуниттифоқ ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтининг Жарқўрғон районидаги А. И. Автономов номли «Сурхон» экспериментал хўжалиги, Сурхондарё область Қумқўрғон районидаги «Пахтакор» совхози, Андижон область Ленин районидаги «Правда Востока» колхози, Наманган область Поп районидаги «Партия XXII съезди» колхози коллективларига тантанали йиғилишларда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари ва уларни СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги Бутуниттифоқ Ҳурмат тахтасига ёзиш тўғрисидаги дипломлар топширилди.

Фарғона область Ленинград районидаги Охунбобоев номли колхоз, Сурхондарё область Шеробод районидаги «Партия XXV съезди» совхози, Наманган область Тўрақўрғон районидаги В. И. Ленин номли завод-совхоз меҳнаткашларига КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари топширилди.

(ЎзТАГ).

Айрим сайлов округларидан СССР Олий Совети депутатларини сайлаш тўғрисида ахборот

Ўрни бўшаб қолган депутатлар ўрнига 1987 йил 22 март куни айрим сайлов округларидан СССР Олий Советига депутатлар сайланди.

Қуйидагилар СССР Олий Советининг депутатлари этиб сайландилар:

ИТТИФОҚ СОВЕТИГА

Москва областидаги 25-Балашиха сайлов округидан — ўртоқ Владимир Аркадьевич **Брежнев**, СССР транспорт қурилиши министри;

Москва областидаги 32-Митишчи сайлов округидан — ўртоқ Николай Михайлович **Ольшанский**, СССР Минераль ўғитлар ишлаб чиқариш министри;

Олтой ўлкасидаги 60-Барнаул сайлов округидан — ўртоқ Анатолий Иванович **Лукьянов**, КПСС Марказий Комитетининг секретари.

Иркутск областидаги 170-Черемхово сайлов округидан — ўртоқ Анатолий Петрович **Долматов**, Иркутск область Черемхово районидаги «Россия» колхозининг механизатори;

Новгород областидаги 225-Боровичи сайлов округидан — ўртоқ Иван Иванович **Никулин**, КПСС Новгород область комитетининг биринчи секретари;

Новосибирск областидаги 227-Дзержинский сайлов округидан — ўртоқ Лев Дмитриевич **Рябев**, СССР Ўрта машинасозлик министри;

Ростов областидаги 270-Зерноград сайлов округидан — ўртоқ Борис Михайлович **Володин**, КПСС Ростов область комитетининг биринчи секретари;

Саратов областидаги 286-Балаково сайлов округидан — ўртоқ Николай Федорович **Луконин**, СССР атом энергетикаси министри;

Украина ССР Винница областидаги 411-Тульчин сайлов округидан — ўртоқ Иван Тимофеевич **Фролов**, «Коммунист» журналининг бош редактори;

Украина ССР Донецк областидаги 441-Жданов-Ильич сайлов округидан — ўртоқ Серафим Васильевич **Колпаков**, СССР қора металлургия министри;

Озарбайжон ССРдаги 675-Боку-Насимий сайлов округидан — ўртоқ Юрий Александрович **Беспалов**, СССР химия саноати министри;

Литва ССРдаги 693-Паневежис сайлов округидан — ўртоқ Николай Андреевич **Митькин**, Литва Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари;

Қирғизистон ССРдаги 717-Калинин сайлов округидан — ўртоқ Евгений Максимович **Примаков**, СССР Фанлар академияси жаҳон экономикаси ва халқаро муносабатлар институтининг директори;

МИЛЛАТЛАР СОВЕТИГА:

Ўзбекистон ССРдаги 124-Марғилон сайлов округидан — ўртоқ Рафиқ Нишонович **Нишонов**, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси;

Қозоғистон ССРдаги 138-Жамбул сайлов округидан Эрмек **Жакселеков**, Қозоғистон касаба союзлари республика Советининг раиси;

Қозоғистон ССРдаги 145-Қустанай сайлов округидан — ўртоқ Александр Васильевич **Ковтунов**, Ўрта Осиё ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони;

Озарбайжон ССРдаги 206-Жданов сайлов округидан — ўртоқ Аҳмад Дадаш ўғли **Аҳмедов**, Озарбайжон ССР Жданов районидаги Шаумян номли колхоз комплекс механизациялаштирилган пахтачилик бригадасининг бошлиғи;

Латвия ССРдаги 30-Валмиера сайлов округидан — ўртоқ Виталий Павлович **Соболев**, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари;

Туркманистон ССРдаги 443-Тезебозор сайлов округидан — ўртоқ Аннамурод **Хўжамуродов**, Туркманистон ССР Министрлар Советининг Раиси;

Туркманистон ССРдаги 448-Чоршанга сайлов округидан — ўртоқ Сергей Михайлович **Нестеренко**, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари.

• *Кўчат экинг, боғ қилинг*

ТАШАББУС ЧОРЛАЙДИ

Жиззах областининг бир қатор хўжаликлари катта йўллар атрофини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ташаббуси билан чиқишди. Кенг жамоатчилик томонидан қизғин қутиб олинган бу ташаббус область партия комитети томонидан маъқулланди.

Бугунги кунда мевали ва манзарали кўчатлар экиш ишлари қизғин. Янги тут плантациялари ҳам барпо этиляпти. Ташаббускор хўжаликларнинг бири—Жиззах районидаги «Жиззах» совхози ишчи ва хизматчилари 20 минг тупдан зиёд мевали ва манзарали кўчатлар ўтказишга муваффақ бўлдилар. Пахтакор ва Ғаллаорол районларининг бир қатор хўжаликлари ҳам қўриқ воҳани кўкаламзорлаштириш юзасидан ибратли ишларни амалга оширмоқдалар.

Б. САТТОРОВ.

БЎЛАЖАК ҲИЁБОНЛАР

Республикамиз пойтахтида кўкаламзорлаштириш икки ойлиги давом этмоқда. Бугунгача 208 минг 900 тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Ободонлаштириш ишларида завод ва фабрикаларнинг меҳнат коллективлари, ўқув юртларининг ёшлари фаол қатнашмоқдалар. Бу йил жами 835 мингдан ортиқ дов-дарахтларни ўтказиш кўзда тутилган. Мақсад — ниҳолларни яхши парвариш қилиб, янги хиёбонлар барпо этишдан иборат.

С. АЛИЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўзининг 26 март куни бўлиб ўтган мажлисида КПСС Марказий Комитети 1987 йил январь Пленуми талаблари асосида маҳаллий Совет органларининг кадрлари билан ишлашни қайта қуриш соҳасида Самарқанд область ижроия комитетининг фаолияти ўтғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Президиум партия XXVII съезди талабларини бажараётган область Совети ижроия комитети Совет органларининг кадрлари билан ишлашни активлаштирганлигини таъкидлади. Партия комитетлари раҳбарлигида кадрларни танлаш, жойжойига қўйиш ва тарбиялашда ленинча принциплар қарор топмоқда, ижроия комитетлари аппаратини ўз обрўсини тўккан, масъулият ҳиссини унутган, ўзининг профессионал даражасини оширмай қўйган ходимлардан тозалаш юзасидан иш олиб борилмоқда.

Область ижроия комитети январь Пленуми йўл-йўриқларини амалга ошира бориб, ошкоралиги кенгайтирилиб, Совет кадрлари билан ишлашда танқид ва ўз-ўзини танқидни авж олдириш чораларини кўрмоқда, маҳаллий Советларнинг сессияларида Совет органлари раҳбарларига депутатларнинг сўровлари муҳокамасини, бу раҳбарларнинг меҳнат коллективларидаги ҳисоботларини тинглашни кенг йўлга қўймоқда, ижроия комитетлар аппаратларини ходимларининг аттестациясини уюштирди. Область ижроия комитетида кадрлар билан ишлаш сектори тузилди, посёлка ва қишлоқ Советлари ижроия комитетларининг раислари резерви таркиб топди. Совет ходимлари малакасини оширишга эътибор кучайтирилмоқда. Аппарат ходимларининг ўқуви, улар билан суҳбатлар, семинарлар мунтазам ўтказилмоқда. Совет ходимларининг сифат состави яхшиланмоқда, уларнинг масъулияти ва ишчанлиги ошмоқда.

Шу билан бирга Президиум Самарқанд область ижроия комитетининг маҳаллий Совет органлари кадрлари билан ишлашни қайта қуриш соҳасидаги фаолияти ҳали КПСС Марказий Комитети январь Пленуми талабларига жавоб бермаётганлигини таъкидлади.

Самарқанд область халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари КПСС Марказий Комитети Пленумида маъқулланган Совет ходимлари кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйишнинг демократик принципларини суст жорий этмоқдалар. Совет органларига ишга кўтарилаётган номзодлар меҳнат коллективларида, жамоат ташкилотларида камдан-кам муҳокама қилинади. Сайланишга, тайинланишга ёки тасдиқланишга Советлар тавсия этаётган ходимларга берилган характеристикалар билан депутатлар онда-сонда таништирилади. Лавозимга кўтарилаётганида бир неча номзодни муҳокама қилиш йўлга қўйилмаган. Кадрлар масалаларининг тор доирада ҳал этилиши сабабли Совет аппаратига тайёргарлиги бўлмаган кишилар кириб қолиб, аппарат ишига путур етади.

Совет ходимлари фаолияти устидан назоратни ташкил этишнинг самарали формаси бўлган сессиялар, доимий комиссиялар ва депутатлар ишининг демократик принципларини мустаҳкамлаш юзасидан зарур тадбирлар кўрилмаяпти.

Халқ депутатлари область Совети, унинг ижроия комитети Совет кадрларини сифатли тайёрлаш ва қайта тайёрлашни таъминламаяпти, уларнинг назарий тайёргарлигини чуқурлаштириш, ғоявий-ахлоқий чиниқишини кучайтиришга эътиборни сусайтириб юборди. Шу мақсадда стажировкалардан фойдаланилмаяпти, кенг қўлланда тажрибани баҳам кўриш уюштирилмаган, Совет иши кабинетларининг роли паст. Жойларда ўтказилаётган семинарлар ва кенгашлар аниқ мақсадга қаратилмаган, Советлар фаолиятининг кўпгина муҳим масалаларини тўла-тўкис очиб бермайди, кадрларни меҳнатнинг юксак пировард натижаларига эришишга йўналтирмайди, кадрларга Совет ишининг замонавий услуб ва методларини ўргатишга дуруст ёрдам бермаяпти. Оқибатда айрим ижроия комитетлар аппаратининг раҳбарлари ва ходимлари сессиялар, доимий комиссияларнинг мажлисларини ўтказишнинг демократик принципларини бузмоқдалар, депутатлар уюшмалари ва депутатларнинг фаолиятини активлаштиришга суст таъсир ўтказмоқдалар.

Совет кадрлари билан ишлашдаги камчиликлар, улар фаолиятидаги эскирган услуб ва методлар маҳаллий Советлар ролининг сусайишига олиб келмоқда, ўз қарамоғидаги территорияларнинг социал-иқтисодий тараққиётини зарур даражада жадаллаштиришни таъминламаяпти.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми халқ депутатлари область Совети ижроия комитетига Совет органлари кадрлари билан ишлашни тубдан яхшилашга қаратилган конкрет тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширишни топширди. КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленумида илгари сурилган вазифалар мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш, совет жамиятининг сифат жиҳатидан янги ҳола тига эришиш юзасидан партия XXVII съезди ининг стратегик йўлини амалга ошириш тадбирлари билан, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш билан мустаҳкам алоқада ҳал этилиши керак.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг динга оид қонунларга риоя этилиши масаласи тўғрисидаги қарорининг Наманган областида қандай бажарилаётганлиги кўриб чиқилди. Область маҳаллий Советлари, тегишли ташкилотларни ва муассасалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ушбу қарорни бажариш, динга оид қонунларга риоя этилиши устидан назорат соҳасидаги камчиликларни бартараф этиш учун бир қанча конкрет тадбирларни амалга оширганликлари қайд этилди. Бу ишга депутатлар, меҳнат коллективлари, аҳолининг ташаббускор жамоатчи органлари актив жалб этилмоқда. Бу муаммога маъмурий органлар, оммавий ахборот воситалари кўпроқ эътибор бера бошладилар.

Шу билан бирга қабул қилинган тадбирлар ҳозирча талаб этилаётган натижаларни бергани йўқ. Область территориясида асосий расм-русумларни ўтказишга бош бўлиб турган рўйхатдан ўтмаган дин пешволари ҳамон иш кўрмоқда. Турли дуохонлар ва табиблар фаолияти тўхтатилмаган. Гражданларнинг ана шу товламачиларга мурожаат қилиши оғир оқибатларга олиб келган ҳоллар мавжуд. Илгари бўлганидек ҳозир ҳам «муқаддас» жойларни зиёрат қилиш давом этмоқда.

Халқ депутатлари шаҳар, райён, посёлка ва қишлоқ Советларининг ижроия комитетлари диний вазиятни пухта билмайдилар, жойларда динга оид қонунларга риоя этилиши устидан тегишли назоратни амалга оширмаяптилар. Ижроия комитетлар ҳузуридаги кўмаклашувчи комиссияларнинг фаолияти ҳамон дуруст самара бераётгани йўқ. Уларнинг ишини планлаштиришда андазабозлик қилинмоқда, планлар маҳаллий хусусиятлар билан зарур даражада боғланмаган, мажлислар ишнинг аҳволи чуқур ўрганилмасдан ўтказилмоқда, кўпинча бу мажлисларда комиссиялар ваколатига кирмайдиган масалалар кўриб чиқилмоқда.

Истиқомат жойларида тушунтириш ишлари ниҳоятда суст олиб борилмоқда. Маҳалла комитетларининг айрим раислари ва аъзолари диний урф-одатларга қарши курашиш ўрнига ўзлари шу маросимларни ўтказмоқдалар, бошқа гражданларни ҳам бунга жалб этмоқдалар. Қарор талабларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш, молия, соғлиқни сақлаш ва маданият органлари тўла ҳажмда бажармадилар.

Президиум Наманган областидаги камчиликлар Қорақалпоғистон автоном республикаси, бошқа областлар, Тошкент шаҳри маҳаллий Советлари фаолиятига, республика министрликлари ва идоралари фаолиятига ҳам хосдир, деб таъкидлади.

Президиум халқ депутатлари Наманган область Совети ижроия комитети зиммасига динга оид қонунларга риоя этилишини назорат қилиш юзасидан халқ депутатлари шаҳар, район, посёлка, қишлоқ Советлари ижроия комитетлари фаолиятини қайта қуриш борасида кечиктириб бўлмайдиган қўшимча тадбирлар кўриш вазифасини юклади. Барча маҳаллий Советларга, республика министрликлари ва идораларига ҳам ана шундай топшириқлар берилди.

Илгари қабул қилинган қарорларнинг ижросини назорат этиш тартибида Ўзбекистон ССРда мансаб ва хўжалик жиноятлари тўғрисидаги Қонунчиликнинг жорий этилиш практикаси кўриб чиқилди. Республика министрликлари ва идоралари, уларнинг жойлардаги органлари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг тегишли қарорини сўзсиз бажариш юзасидан ҳали етарли тадбирлар кўришганини йўқлиги, мансаб ва хўжалик жиноятларининг содир этилишига ёрдам берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни тугатишда зарур қатъият кўрсатилмаётганлиги уқтириб ўтилди. Совет, хўжалик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ўғрилик, порахўрлик, қўзбўямачиликка ва бошқа салбий ҳолатларга қарши курашни кучайтириш топширилди.

Мажлисда республика давлат ҳаётининг бошқа масалалари ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Қайта қуришнинг фаол қатнашчилари

26 март куни Нукусда хотин-қизлар конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда КПСС XXVII съезди қарорларини амалга оширишда Қорақалпоғистон АССР хотин-қизлар кенгашларининг вазифалари, автоном республикани социал-иқтисодий тараққий эттиришни жадаллаштиришда уларнинг роли муҳокама қилинди.

Делегатларнинг нутқларида қайд этиб ўтилганидек, қорақалпоқ халқининг жасур қизлари Совет Шарқи хотин-қизларини феодал-бойлар зулми ва диний жабр-зулмдан озод қилиш учун ҳаракатнинг биринчи сафларида бўлган эдилар. Улар Совет ҳокимиятини ўрнатиш йиллари хотин-қизлар кенгашларига бошчилик қилдилар, қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришда, мамлакатни индустрлаштиришда, маданий революцияда фаол қатнашдилар. Ҳозир ҳам Қорақалпоғистон хотин-қизлари совет жамияти турмушининг барча соҳаларида рўй бераётган қайта қуриш вазифаларини ҳал этишда тобора кўпроқ роль ўйнамоқдалар. Улар Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақага завқ-шавқ билан қўшилдилар.

Конференция қатнашчилари таъкидлаб ўтишганидек, хотин-қизлар кенгашлари экономика ва маданиятни бошқаришга хотин-қизларни яна ҳам кенгроқ жалб этишлари, уларнинг жамиятимизни революцион тарзда янгилашда қатнашишларини кучайтиришлари лозим.

Конференцияда Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари К. Саликов нутқ сўзлади.

Автоном республика хотин-қизлар кенгашининг янги состави, Ўзбекистон хотин-қизларининг бешинчи съездига делегатлар сайланди.

* * *

Навоий, Сурхондарё ва Фарғона областлари хотин-қизларининг область конференциялари ҳам бўлиб ўтди. Навоийдаги конференцияда —Навоий область партия комитетининг биринчи секретари А. С. Ефимов, Термизда — Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари С. Маматрасулов, Фарғонада —Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Х. Умаров нутқ сўзладилар.

(ЎзТАГ).

ВЕТЕРАН ИБРАТИ

● Асбобсоз-слесарь Григорий Федорович Янин Фарғона ёғ-мой комбинатида Бутуниттифоқ ленинча коммунистик шанбалигида 51-марта қатнашди. Ҳамиша бўлганидек, ветеран бу сафар ҳам энг юқори меҳнат унумдорлигига эришиш ниятидадир.

Г. Янин 18 апрель куни ускуналарга эҳтиёт қисмлар тайёрлайди. Унинг ўғли — токарь Николай Янин шанбаликни отаси билан бирга зарбдорларча ўтказишга қарор қилди.

Комбинат ходимларидан жами 300 дан кўпроқ киши ленинча шанбаликни юксак меҳнат кўтаринкилиги руҳида ўтказиш ниятидадир.

АКТИВЛАР ЙИҒИЛИШИ

НАМАНГАН, 26 март. (ЎзТАГ). Область партия хўжалик активларининг бугун бўлиб ўтган йиғилишида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасини ривожлантириш борасида Наманган области партия, совет ва хўжалик органларининг вазифалари муҳокама этилди. Наманган область партия комитетининг биринчи секретари Н. Р. Ражабов доклад қилди.

ОБЛАСТЬ СОВЕТЛАРИНИНГ СЕССИЯЛАРИ

ҚАРШИ, 26 март. (ЎзТАГ). Халқ депутатлари Қашқадарё область Советининг бугун ўтказилган сессиясида уй-жой фондини сақлаш, фойдаланиш, уни тақсимлаш ҳамда КПСС XXVII съезди қарорлари асосида областда уй-жой қурилишини ривожлантириш тадбирлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Депутатлар ёшлар ишлари билан шуғулланувчи доимий комиссиянинг ҳисоботини ҳам муҳокама қилдилар.

* * *

НАВОИЙ, 26 март. (ЎзТАГ). Бугун халқ депутатлари Навоий область Советининг сессияси бўлди. Депутатлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш тўғрисида Ўзбекистон ССР Қонунларининг бажарилишини таъминлаш соҳасида маҳаллий Советларнинг вазифаларини муҳокама қилдилар.

Бугун—Халқаро театр куни

ЭНГ ОДИЛ ҲАКАМ— ТОМОШАБИН

БУГУН ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН ТЕАТР ЖАМИЯТИНИНГ VII СЪЕЗДИ ОЧИЛАДИ. ҚУЙИДА ЭЪТИБОРИНГИЗГА СССР ХАЛҚ АРТИСТИ, СССР ДАВЛАТ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ БЕРНОРА ҚОРИЕВА БИЛАН СУҲБАТ ЭЪЛОН ҚИЛИНМОҚДА.

— Бернора Раҳимовна, суҳбатимиз аввалида нимани алоҳида таъкидлашни истайсиз?

— Партия ва ҳукуматимизнинг санъатга, жумладан, театр санъатига кўрсатаётган мунтазам ғамхўрлигини, бу ғамхўрликка амалий иш, яхши саҳна асарлари билан жавоб беришга интилаётган санъаткорларимизнинг изланишларини зўр миннатдорчилик ҳамда фахр билан қайд этишни хоҳлайман.

Маълумки, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев иттифоқдош республикалар саҳна санъати етакчи усталарининг бир группасини, шунингдек театр ташкилотлари вакилларини Марказий Комитетга таклиф қилиб учрашди. Учрашувда янги шароитларда театр иши, театр союзини ташкил этиш, барча ижодий ташкилотлар фаолиятини янада активлаштириш масалалари кўриб чиқилди. Ана шу тарихий учрашувда мен ҳам қатнашиш шарафига муяссар бўлдим. «Совет жамиятида яшаб турган ҳар бир кишида барча энг яхши фазилатларни рўёбга чиқариш — бу жуда катта инсонпарварлик иши, социализмнинг вазифаси ана шунда, — деди М. С. Горбачев. — Бу борада адабиёт, санъат, ижодкор зиёлиларимизнинг меҳнати жуда катта роль ўйнайди. Биз зиёлиларнинг жиддий мададидан баҳраманд бўляпмиз ва маънавий янгиланиш ўчун, жамиятнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатига эришиш учун бораётган ҳозирги пайтда улардан умидимиз катта».

Бу биз, санъаткорлар учун билдирилган жуда катта ишончдир. Буни оқлашни ҳеч қачон унутмаслигимиз, аксинча, унга муносиб ижодий ютуқлар билан жавоб бериш учун астойдил меҳнат қилишимиз, изланишимиз, қурашишимиз керак.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Ижодий союзларнинг фаолият шароитларини яхшилаш тўғрисида»ги қарори ҳам маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Бу тарихий ҳужжатда театр санъатини равнақ топтириш, саҳна ижодкорларига ғамхўрлик қилиш ҳақида конкрет кўрсатмалар берилган.

Санъат мухлисларининг орзулари амалга ошди: Тошкентда Сатира театри очилди. Томошабинлар аллақачон театрнинг илк спектакли — «Тобутдан товуш» билан танишдилар. Пьеса ҳозирги давр талабларига жавоб беришлиги, яъни у ҳаётимизда учраб турадиган баъзи жиддий камчиликларни, порахўрликни, фирибгарликни, бюрократизмни актив фош этиши билан қимматлидир.

— Халқаро театр институти совет миллий маркази ижроия комитетининг қарорига мувофиқ, бу йилги анъанавий байрамларингиз «Совет театри Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига, СССР ташкил этилганлигининг 65 йиллигига» шиори остида нишонланади. Шу муносабат билан айтингчи республика театрларида юбилейга тайёргарлик қандай бормоқда?

— Совет театри жумладан, ўзбек театри ўзининг инқилобномасига эга. Ана шу октябрнома тажрибалари, анъаналарига таянган театр коллективларимиз юбилейга тараддудни ўтган йили бошлаган эдилар. Ҳар бир коллективнинг планида Ленин, Октябрь ва унинг ҳаётбахш ғояларига бағишланган машҳур асарлар, шунингдек, шу мавзуда янги пьесалар бор. Ҳозир деярли барча театрларда ана шу саҳнага чиқажак спектакллар устида иш кетаётир. Баъзи театрларимиз юбилейга бағишланган асарларини томошабинларга кўрсата бошладилар. Масалан, Сирдарё область театрида «Карвон бехатар бўлмас», Хоразм область театрида эса «Йўлчи юлдуз» драмаларининг премьераси бўлиб ўтди. Мазкур спектаклларни санъат мухлислари Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига муносиб совға деб эътироф этмоқдалар.

Қашқадарё область театрининг юбилей арафасида «Революцион этюд» спектаклини кўрсатаётганлиги ҳам қувонарлидир.

— Республикамизда театр муаммолари оз эмас. Масалан, театр ва томошабин проблемасини олайлик. Бу масала ҳақида бир неча йиллардан бери гапириб келинади. Лекин ҳамон муаммо муаммолигича қолмоқда, ўзгариш йўқ. Бундай камчиликка барҳам бериш учун сизнингча биринчи навбатда нимага эътибор бериш керак?

— Лўнда қилиб айтганда, репертуар ва ижрочилик маҳоратини яхшилашимиз лозим. Артистларимизнинг маҳорати йўқ эмас, бор. Лекин давр талабидан, халқнинг театрга бўлган синчков назаридан келиб чиқадиган бўлсак, бу маҳорат тўлақонли эмаслиги билиниб қолади. Актёр ва актрисаларимизнинг яшаш, шунингдек, иш-хизмат шароитлари яхши. Деярли барча театрларимиз ўзининг замонавий муҳташам биносига, кенг зали ва саҳнасига эга. Талантли режиссёрларимиз бор.

Ана шу имкониятлардан тўла фойдаланилмаяпти, яъни артистларимиз ўз устиларида пухта ишламаяптилар, маҳоратларини тинмай, мунтазам ошириб бориш ҳақида қайғурмайдилар. Роль ижро этдинг-ми, этдинг, спектаклда қатнашдинг-ми, қатнашдинг. Бўлди. Бошқа нарса билан ишлари йўқ. Натижада қуруқ, залда ўтирганларни қаяжонлантирмайдиган, завқлантирмайдиган, мароқсиз роллар саҳнага чиқиб қоляпти. Айрим роллар таклиддан иборат бўлади. Томошабиннинг бундай ижрочиликни кўргиси келмайди. Охир-оқибатда унинг орқасидан қувамиз. Елиб-югуриб томошабинлар ташрифини ташкил қиламиз. Уялмай-нетмай завод, корхоналар, қурилиш ташкилотлари, идораларнинг раҳбарларига мурожаат қилиб, «илтимос, одамларингиздан юборинг, планга ёрдам беринг», деймиз. Бу мутлақо нотўғри «фаолият». Томошабинни биз қидирмайлик, улар бизни, яхши спектаклли театрни қидирсин. Бунинг учун эса, яна такрор айтаман, ижрочилик маҳоратини ошириш керак. Шу ўринда ҳамкасбларимни устоз санъаткорлардан, уларнинг саҳнага бўлган садоқатларидан ибрат олишга, тажриба ва анъаналаридан мунтазам фойдаланишга чақираман. Камчиликка барҳам бериш, худди шу имконият — устозлар мактаби ҳал қилувчи роль ўйнайди!

— Режиссура ва драматургия проблемалари ҳақида ҳам гапирсангиз.

— Тўғри савол. Аввало режиссёрлик санъатимиз ҳақида. Республикамизда талантли режиссёрлар бор. Уларни санъат мухлислари яхши билишади. Лекин режиссёрлардан, уларнинг имкониятларидан фойдаланишда қутилган самараларга эришолмаяпмиз. Айрим режиссёрлар баъзи субъектив сабабларга кўра режиссёрлик ишларида актив қатнашмаяптилар. Натижада ижрочилик санъатига кўпроқ фойдаси тегадиган актёрлардан режиссёр сифатифа фойдаланишга тўғри келаётир. Режиссёрларни бошқа ерга кўчиришни ҳам ўйлаб кўришимиз керак. Токи, баъзи жузъий келишмовчиликлар ижодкорнинг истеъдоди тўла намоён бўладиган маскандан йироқлашишига сабаб бўлмасин.

Драматургия муаммоси жиддий масала. Театрларимизни пьеса билан таъминлайдиган асосий идоралар — Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ва республика Ёзувчилар союзи. Афсуски, биз кутган, театрларимиз таклиф этган темаларда асарлар ёздирилиб, тавсия қилинмаяпти. Республика театрлари репертуарига назар ташлайдиган бўлсангиз, замонавий мавзуда асарлар анча камлигини кўрасиз. Ҳолбуки, ҳаётимизда драмаларга асос бўладиган воқеалар, жасорат, қаҳрамонлик, муаммолар тўлиб-тошиб ётибди. Ёзувчилар билан учрашдик-ми, шу ҳақда гапирамиз. Улар «тўғри, ҳақиқатан ҳам пьесаларбоп воқеалар, мавзулар сероб, ёзиб берамиз», деган ваъда қилишади. Лекин учрашув ўтгандан кейин бу ҳақда ўйлашмайди, театрларга келишмайди. Қаламдош дўстининг пьесаси асосида саҳналаштирилган спектакль премьерасига таклиф этсангиз, баҳона эшитасиз.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги театрларни пьесалар билан таъминлаб туриш ҳақида етарли жонкуярлик кўрсатмаяпти.

— Область театрларида аҳвол қандай?

— Юқорида қайд этилган муаммолар область театларига ҳам тегишли, албатта. Лекин мен бу ерда маҳаллий партия, совет ва маданият ташкилотларининг театрларга кам эътибор бераётганлигини афсус билан таъкидлайман. Область партия комитетлари, ижроия комитетлари раҳбарлари спектаклларга тушиш у ёқда турсин, у ерда ижод қилаётган артистларнинг яшаш шароитлари, театрни қийнаётган муаммолар билан қизиқмайдилар. Ёрдам бериш ҳақида ўйламайдилар. Маданият бошқармалари эса театр билан мунтазам алоқа қилмайди. Яқинда мен Жиззахда бўлиб, Ю. Ражабий номидаги область театрининг йиғилишида иштирок этдим. Шунда артистлар театрдаги ачинарли аҳвол ҳақида куюниб гапирдилар. Уч йилдирки, театр ўзининг бош режиссёрига эга эмас. Театр фаолияти районларга чиқиб концерт, спектакллардан парчалар кўрсатишдан иборат бўлиб қолган. Театр биносида эса спектакллар намойиш этилмайди.

— Республикада театр санъатини яхшилаш учун яна нималарга кўпроқ эътибор бериш керак? Қандай таклиф, мулоҳазаларингиз бор?

— Бугун Тошкентда очиладиган Ўзбекистон Театр жамиятининг VII съездида бу ҳақда батафсил фикрлашиб олинади. Шунинг учун мен бу ерда ўзимнинг шахсий фикр-мулоҳазаларимни айтиб ўтсам бўлар.

Аввало театр, Маданият министрлиги ва Ёзувчилар союзининг якдил ҳамкорлигини мустаҳкам йўлга қўйишимиз керак. Ҳар хил ёндашув билан ижод қилиб, маданиятимизни ривожлантириб бўлмайди.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, Ёзувчилар союзи ва Театр жамияти ҳамкорликда энг яхши пьесалар учун конкурс ташкил этиб, уни мунтазам давом эттирса яхши бўлур эди.

Ўзбекистон Театр жамияти қошида область режиссёрлари учун ижодий лаборатория ташкил этиш пайти келди. Шундай қилинса, Тошкент театр ва рассомлик санъати институтини битирган талабалар ва область театрларида ишлаётган режиссёрларнинг маҳоратлари ошувига ҳисса қўшилган бўлур эди. Шунингдек, режиссёрлар тайёрлашни икки йўналишда: Тошкентда ва марказий театр олий ўқув юртларида олиб борса, бизнингча, театримиз ҳам, бўлажак ижодкорларимиз ҳам ютарди.

«Йилнинг энг яхши спектакли» деган кўрик-конкурс уюштириб, йўлга қўйса бўлмасмикин?

Охирги таклифим: Томошабинлар спектакларимиз, артистларимизнинг маҳоратлари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини театрнинг ўзидами, радио-телевидениедами, матбуотдами, ҳеч тортинмай айтиб турсалар...

Суҳбатни Ю. БЕРДИЕВ ёзиб олди.

САНЪАТИМ САОДАТИМ

СУРАТЛАРДА: (юқоридан пастга) **1. УСТОЗЛАР.** (СССР халқ артистлари Галия Измайлова, Наби Раҳимов, Халима Носирова, Зикир Муҳаммаджонов). **2. ШОГИРДЛАР.** (Алишер Навоий номидаги ўзбек давлат академик Катта театрининг истеъдодли балериналари Насиба Алимова репетиция пайтида, Максим Горький номидаги рус Академик драма театрининг актрисаси Надежда Жарикова «Зинуля» спектаклида Зина ролида). **3. ДИҚҚАТ: САҲНАДА СПЕКТАКЛЬ!** (Қорақалпоғистон АССР Станиславский номидаги театрнинг «Суймаганга суйканма» спектаклидан бир кўриниш).

С. МАҲКАМОВ ва В. ДУБРОВСКИЙ фотолари.

МАРОҚЛИ САЁҲАТЛАР

✦ Ўтган қишлоқ хўжалик йилини муваффақиятли якунлаган Чортоқ районидаги Ҳамид Олимжон номли совхоз меҳнаткашларининг вакиллари жонажон Иттифоқимиз бўйлаб саёҳатларда бўлдилар.

Хўжаликнинг 30 кишидан иборат илғорлари Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини томоша қилишди. Ишчи Бобомирза Кўчқоров, механик Каримжон Отахонов, токарь Абдуғани Абдураҳмонов, механизатор Тоҳир Мамадалиевлар туристик поездда Наманган — Ленинград маршрути бўйлаб сафар қилдилар. Бир группа илғор бригадир ва ишчилар эса республикамизнинг энг яхши санаторийларидан бири—«Чимён»да мароқли дам олиб қайтишди.

Саёҳатчи ва дам олувчиларнинг ҳаммаси бепул путевкалар билан таъминланди.

А. ОРТИҚОВ.

ГАЗЕТАДА БОСИЛМАДИ, АММО ЧОРА КЎРИЛДИ

ФАРҒОНА ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

— Қувва районидаги 34-мактаб директори А. Холбеков устидан ёзилган шикоят хат текширилди. Кечки синфларга ўқувчиларнинг қатнашиши яхши эмаслиги аниқланди. Бу мактаб дирекцияси томонидан таълим-тарбия жараёни устидан назорат бўшаштириб юборилганлигини кўрсатади.

Текшириш якунлари район халқ маорифи бўлимида муҳокама қилинди. Қишлоқ ёшлари кечки синфларида таълим-тарбия устидан назорат бўшаштириб юборилганлиги, педагогик кадрларни танлаш, жой-жойига қўйишда камчиликларга йўл қўйганлиги учун 34-мактаб директори А. Холбековга қаттиқ ҳайфсан берилди.

Мактаб бошланғич партия ташкилотига педагогик кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ишларини яхшилаш, маъмурият фаолияти устидан назоратни кучайтириш тавсия этилди.

САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ:

— Нарпай районидаги «Иттифоқ» колхозида яшовчи А. Менгалиеванинг район ички ишлар бўлими айрим ходимларининг хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилди. Ундаги айрим маълумотлар қисман тасдиқланди.

Жиноят процессуал кодексини бузганлиги учун участка инспектори З. Мавлоновга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди.

НИШОН РАЙОН АГРОСАНОАТ БИРЛАШМАСИ:

— С. Альенде номли совхоз бригадири Ш. Мейлиевнинг хати текширилди. Бу ариза совхоз ишчилари ва мутахассислари ўртасида муҳокама қилинди. Кассир Э. Жайловов пул тарқатиш учун ведомостларини бўлим бошлиғига бериб юборганлиги учун вазифасидан бўшатилди. Бўлим бошлиғи Р. Равшанов 160 сўм пулни ишлатиб юборганлиги учун лавозимидан озод қилинди.

Ишчиларга нарядларнинг тўғри тузиб, ўтказилишини ва ўз вақтида иш ҳақи тўлашни таъминламаганлиги учун совхоз директори қаттиқ огоҳлантирилди.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

СОВЕТ—АФҒОНИСТОН СИМПОЗИУМИ

ДУШАНБА. 25 март. (ТАСС). Бугун Душанбада «Улуғ Октябрь социалистик революцияси ва Совет-Афғон муносабатлари» мавзуида СССР ва АДР илмий симпозиуми очилди. Симпозиумни Тожикистон Фанлар академияси, СССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти ва АДР Фанлар академияси Совет-Афғонистон илмий ҳамкорлик программаси доирасида ўтказмоқдалар.

Симпозиум қатнашчилари— иккала мамлакатнинг етакчи тарихчилари ва шарқшунослари Шарқда Улуғ Октябрнинг таъсири остида миллий-озодлик ҳаракатининг, Совет-Афғон дўстлиги ва ҳамкорлигини ривожлантиришнинг энг муҳим жиҳатларини муҳокама қиладилар. Айрим докладлар Совет-Афғон муносабатлари буржуазия томонидан сохталаштирилишини фош этишга бағишланган. Симпозиум уч кун давом этади.

ЎЗБЕКИСТОН СИЭТЛДАН КЕЛГАН ДЎСТЛАРНИ КУТИБ ОЛМОҚДА

Биродарлашган Сиэтл шаҳридан келган ўқувчилар ва муаллимлар делегациясини тошкентликлар қуёш тафтидек иссиқ меҳр, табассум билан, қўлларини кўксига қўйиб кутиб олдилар.

— Гарчи сизларнинг меҳмондўстлигингиз оламга машҳур бўлса ҳам, тошкентликларнинг шоду ҳуррамлиги, кўклам либосига бурканган ва қуёшнинг заррин нурларида минг хил тусда товланиб турган Тошкент бизни кутганимиздан ҳам ортиқ мафтун этди,—деди Америка делегациясининг раҳбари Жозеф Саснетт.

Сиэтл шаҳридан келган ёш меҳмонлар Тошкент шаҳар ижроия комитетида қабул қилинди. Бу галги учрашув бир-бирига пешвоз чиқаётган Америка ва Совет кишиларининг бир-бирлари томон ташлаган янги қадами бўлади, деб таъкидланди. Ҳар бир дақиқа ҳисобига олиб тузилган программага кўра тошкентлик мактаб ўқувчилари билан жуда кўп учрашувлар бўлади. Сиэтллик меҳмонлар ёшларнинг кечалари ва дўстлик митингларида қатнашадилар, биродарлашган шаҳарлар паркига ва «Сиэтл» кафесига борадилар, Тошкент ва Самарқандларнинг янги қурилиш районлари ҳамда меъморлик обидалари билан танишадилар.

— Учрашувимизнинг конкрет натижаси шундан иборат бўладики, яна 42 нафар американлик Совет Иттифоқи ва совет кишилари тўғрисидаги ҳақиқатни сўзлаб берадилар, — деди Жозеф Саснетт. — Биз тошкентликларга Сиэтл аҳлидан минг-минглаб эзгу-истаклар олиб келдик, шаҳрингизда меҳмон бўлган сиэтлликлар ҳам, бу ерга яқин орада келишни орзу қилаётган ҳамшаҳарларимиз ҳам ана шундай истаклар йўллашди. Ўн йилдан кўпроқ вақтдан бери шаҳарларимиз аҳли ўртасида мавжуд бўлиб турган яхши муносабатлар халқларимиз ўртасида ҳамжиҳатликка эришиш мумкинлигининг ёрқин мисолидир.

(ЎзТАГ мухбири).

Германия Социал-демократик партияси раиси ўзгаради

БОНН. Германия Социал-демократик партиясининг парламент фракцияси раиси Ханс-Йохен Фогель ГСДП раиси Вилли Брандт ўрнини эгаллайди. ГСДП правлениесининг душанбада кечқурун тугаган мажлисида шундай қарор қабул қилинди, бу мажлисда Брандт истеъфога чиқишини айтган эди.

В. Брандт шу йилнинг 16 июнида очилиши мўлжалланаётган ГСДП фавқулодда съездига қадар партия раиси вазифасини бажариб туради, ана шу анжуманда унинг лавозимини эгаллайдиган Х.-И. Фогелнинг номзоди тасдиқланади. Правление партия раиси ўринбосарлигига Саар ўлкасининг бош министри Оскар Лафонтенни сайлашни съездга таклиф этишга ҳам қарор қилди.

(ТАСС).

ИМКОНИЯТ БОЙ БЕРИЛМАСЛИГИ КЕРАК

Совет тинчлик ташаббусларидан бирортаси ҳам Ғарбда писандасиз қабул қилинмаган. Ё бундай ташаббусни «синчковлик билан ўрганиш» талаб этиларди. Ёки қандайдир қўшимча, янги муаммолар ахтариларди. Ёҳуд шунга ўхшаш яна нимадир ўйлаб топилар ва бундай ҳол чексиз қайтарилар эди. Баъзан совет ташаббусларини фақат пропагандадангина иборат, деган фикрга ҳам боришар эди. Ядро синовларига бир томонлама совет мораторийсига ҳам шундай қарашди. Бироқ янги Совет ташаббусига жавоб бериш учун Ғарбда энди тузукроқ баҳоналар ахтариб топиша олмаяпти. Бу ташаббус муносабати билан билдирилаётган фикр-мулоҳазалар ана шундан далолат беради.

Бир неча кун мобайнида Буюк Британия оммавий ахборот воситаларининг хабарларида биргина мавзу: М. С. Горбачевнинг Европада ўртача олислик ракеталари бўйича ҳеч кечиктирмасдан алоҳида битим тузиш таклифига дунё қандай муносабат билдиради, деган мавзу устунлик қилди. Газеталар, телевидение, сиёсатчилар, экспертлар — ҳамма янги Совет ташаббуси юзасидан фикр айтишга интилди. Аввалига Буюк Британия Ташқи ишлар министрлиги: «Биз бу таклифни ўрганамиз»,— деган қисқача баёнот билан чекланган бўлсада, провард натижада министрликка Совет ташаббусини маъқуллашга тўғри келди. Чунки барча сиёсий шарҳловчилар ва кўпгина давлат арбоблари шундай қилган эдилар.

Масалан, консерватив партия ўнг қанотининг жарчиси бўлган «Таймс» газетаси ўзининг бош мақоласини бундай бошлаган: «Горбачевнинг қурол-яроғлар устидан назорат ўрнатиш юзасидан янги таклифи Варшава ва Вашингтон каби бир-биридан жуда узоқда жойлашган пойтахтларда ҳам маъқуллаб кутиб олиниши бу даъватнинг универсаллигидан далолат беради».

Британия жамоатчилиги Совет раҳбарининг таклифига алоҳида қизиқиш билан қарамоқда. Чунки Бош министр М. Тэтчер шу ойда Москвага жўнаб кетиши керак. Бу визитга узоқ тайёргарлик кўрилди. Британия оммавий ахборот воситалари визит ҳақида мулоҳазалар, тахминлар билдиришди.

Эҳтимол, Москвада Тэтчер «самовий урушлар» бўйича муросага эришишни яқинлаштиришга» интилар, — деб ёзади газета. — «Бунда у ана шу муроса олисга учадиган ракеталар бўйича битим тузишга олиб келади, деб умид қилар». Бош министр совет раҳбарига Американинг «самовий урушлар» учун мўлжалланган қуроли синаб кўрилишига рози бўлишни таклиф этади, деб ҳисоблайди газета. Бунда Бош министр шундай таклифни «мудофаа системаси кенг кўламда ривожлантириб юборилмай, унинг фақат таркибий қисмларигина синаб кўрилади», деган шарт билан қўшиб айтади, деб қўшимча қилади газета.

Визит чоғида муҳокама қилинадиган масалалардан бири ракетадан мудофаа шартномасидир. Қўшма Штатлар ҳозирда бу шартномани «кенг талқин қилишга» ундамоқда. Чунки шартноманинг аввал бошдаги мазмунига асосланган «тор талқин қилиниши» унга СМТни кенг кўламда ривожлантириш имконини бермайди. Буюк Британия айрим изоҳлар билан бўлсада, шартномага америкача ёндашувга рози бўлишга мойилдир. Чамаси, Тэтчер ҳам Москвада айнан ана шу вариантни таклиф этиш ниятида бўлса керак.

Британия АҚШ сиёсатини Европадаги ҳар қандай бошқа давлатга қараганда фаолроқ қўллаб-қувватлайди. Бу билан ҳукумат «Умумий бозор» сиёсатига амал қилаётганини, бундан ташқари, миллий манфаатлардан ҳам келиб чиқиб, шундай қилаётганини таъкидлайди. Бош министр Москвада кимнинг номидан сўзлайди?

Янги Совет таклифи Ғарбга ядровий қуролсизланиш йўлида қадам қўйишдан бош тортиш имкониятини қолдирмайди. М. Тэтчернинг Москвага визити жуда муҳим натижалар келтириши мумкин. Буюк Британиянинг амалда барча сиёсий арбоблари ана шу имкониятни бой бермаслик керак, деб ҳисоблямоқдалар.

Жеймс ОЛДРИЖ,
инглиз ёзувчиси.
(АПН).

Лондон.

АРАБЛАРДАН БОСИБ ОЛИНГАН ЕРЛАРДАГИ ЗУЛМКОРЛИК

ҚОҲИРА. Лод шаҳрининг ҳарбий суди босиб олинган Ғазо секторида яшовчи олти кишини 15 йилдан 27 йилгача турли муддатларга қамоқ жазосига ҳукм қилди. Уларга Фаластин озодлик ташкилотига мансуб, деган айб қўйилди. Исроил судлари босқинчиларга қаршилик ҳаракатини шафқатсизлик билан бостиришга уриниб, ҳафта сайин мана шундай ҳукмлар чиқармоқда.

Араблардан босиб олинган ерларни мустамлакага айлантириш давом этмоқда, шу сиёсат оқибатида фаластинликлар ўз уйларидан ҳайдаб чиқарилмоқда ва бирдан-бир тириқчилик манбаи бўлган ердан маҳрум қилинмоқда. Ғазо секторидаги Байт-Лагай аҳоли пунктидан шимолроқда ҳозир янги ҳарбийлаштирилган манзилгоҳ қурилишига тайёргарлик ишлари жадал олиб борилмоқда. Оккупациячи маъмурлар бу районни тақиқланган зона, деб эълон қилдилар.

Исроилликлар кўпинча фаластинликларнинг фарзандларига зулм қилмоқдалар. Уларни тузукроқ илм олиш имкониятидан маҳрум этиш учун босқинчилар ўқув юртларининг нормал ишлашига тўсқинлик қилмоқдалар. Исроил ҳарбий маъмуриятининг фармойишига биноан оккупация қилиб олинган районларнинг ҳамма мактаблари тиканли сим билан ўраб қўйилган. Бошқа бир сўнгги буйруққа мувофиқ, бу мактаблар гўё «ўн кун муддатга» ёпилган. Қўшинлар муаллимларни ҳам, талабаларни ҳам мактабларга ўтказмаяптилар. Босқинчилар мактаблар «Исроилга қарши ғалаёнларнинг марказлари» бўлиб қолиши мумкин, деган баҳона билан мана шундай қарор қабул қилганлар.

(ТАСС).

ЭРОН-ИРОҚ ФРОНТИДА

БАҒДОД. 25 март. (ТАСС). Басрадан шарқроқда ҳаракат қилаётган учинчи армия корпусининг қўшинлари душманнинг яна ҳужумга ўтишга уринишини даф этишга тайёргарликни ниҳоясига етказдилар, дейилади бош ҳарбий қўмондонлик ахборотида. Ироқ қисмлари Майсан сектори билан Фао ярим оролида маҳаллий аҳамиятдаги жанглар олиб бордилар. Бир неча танк, ўқ-дори омборлари яксон қилинди. Кейинги йилларда Ироқ авиацияси эрониларнинг Форс кўрфазидаги соҳил бўйи нефть конларига, Харк оролидаги нефть ҳайдайдиган қурилмаларига ҳужум қилди.

Эроннинг узоққа отадиган артиллерияси Басранинг уйжой районларини ўққа тутди. Вайронгарчиликлар бор.

НИКОСИЯ, 25 март. (ТАСС). ИРНА агентлигининг хабар беришича, бутун фронт линияси бўйлаб тўп отишмалари бўлиб турди. Қасри Ширин районининг шимолий участкасида ва Басрадан шарқроқдаги жанубий участкада, айниқса, кўп отишмалар бўлди. Меҳрон секторида Ироқ вертолётларининг разведка мақсадларидаги учишлари барбод этилди. Ормуз бўғозида Эрон ҳарбий-денгиз кучларининг кемалари яна учта ажнабий юк кемасини тўхтатганлар ва улар тинтиб чиқилган.

29 март — Хотира куни

МУҚАДДАС ТУЙҒУ

Ўтган йили республикамизда биринчи бор Хотира кунининг ўтказилиши турмушимизга янги бир анъана бўлиб кирди. Ҳаётимизда турли даврларда, турлича формаларда намоён бўлиб келаётган марҳумларни хотирлаш маросимлари тартибга солинаётир. Бу ишда жамоат ташкилотлари фаол қатнашаётир.

Областимиз шаҳар ва қишлоқларида, посёлкаларида Хотира куни ўзига хос пухта тайёргарлик билан ўтди. Қисқа фурсатда ижодкорларимиз ёрдамида 40 минутга мўлжалланган бадиий музикали композициянинг яратилиши ва областдаги деярли барча қабристонларнинг шу композиция ёзилган магнит лентаси билан таъминланиши Хотира кунига ўзига хос руҳ бағишлади. Худди шу жойларда қабристонларни тартибга солиш, кўкаламзорлаштириш ва ободончилик ишларини бажариш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар белгилаб олинди.

Хўш, ўтган бир йил мобайнида областда бу борада нима ишлар қилинди? Аввало шуни таъкидлаш керакки, йил давомида аҳоли томонидан ўтказиб келинган ҳар хил ноўрин, меҳнат ва давлат интизомининг бузилишига сабаб бўлаётган маросимларнинг сони кескин камайди. Зарур бўлмаган ортиқча харажатларнинг олди олинди. Ижрокомлар қошида тузилган Хотира кунини ўтказиш кенгашлари аъзолари таъзияларни замонавий, тартибли ўтказиш юзасидан иш олиб бормоқда.

Ўтган йилги Хотира кунида қабристонларда хотира хиёбонлари ташкил этиш тўғрисида сўз юритилганди. Бу хиёбонларга Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлганлар, донгдор кишилар хотираси учун мемориал ясалиши, мармар тошлар қўйилиши мумкин. Хиёбонларга дарахт, гул кўчатлари ўтказилади. Халқ ҳурматини қозонган, меҳнати билан обрў-эътибор топган кишилар вафот этганларида охирги йўлга худди шу хиёбондан кузатилади. Дўстлик районидаги марказида, Октябрь районидаги Собир Раҳимов номли совхозда, Фориш, Жиззах ва Ғаллаорол районларида хотира хиёбонларини ташкил этиш амалга оширилянпти.

Аҳоли ташаббуси билан қабристонларда ўтказилаётган шанбаликларда мингминглаб туп кўчат ўтказилянпти, йўлкалар, йўлларни текислаш ишлари бажарилмоқда. Жумладан Бахмал районидаги мавжуд 73 қабристоннинг ён атрофига 4 минг туп кўчат ўтказилди. 6 қабристонга водопровод суви, 5 тасига электр энергияси келтирилди. Жиззах райони қабристонларида ҳашар йўли билан кўплаб бўёқ ишлари амалга оширилди. Зомин районида йил давомида етти марта ўтказилган шанбаликда 1500 нафардан ортиқ киши қатнашди. Қўриқ Арнасой районидаги мавжуд қабристонларни тартибга келтириш жараёнида етти гектар майдон текисланиб, уч километр узунликдаги суғориш тармоқлари тозаланди.

Хотира кунига жойларда тайёргарлик кўрилди. Областнинг барча районларида махсус тадбирлар ишлаб чиқилди. Кейинги йилларда халқимизнинг қабристонларга гул кўтариб бориш удуми бир қадар унутила бошланганди. Ана шуни ҳисобга олиб область Совети ижроия комитети бу йил Хотира кунига гул етиштириш чорасини кўрди. Аниқроғи «Жиззах» ва «Коммунизм» совхозларига бу вазифа юклатилди. Ҳозир теплицаларда ўстирилаётган гуллар Хотира кунида халқимизнинг асл фарзандлари, ота-боболаримиз қабрларига, улар шарафига бунёд этилган ёдгорликлар пойига қўйилади. Келгуси йилдан бошлаб областнинг бошқа бир қанча хўжаликларида ҳам гул кўчатлари ўстириш йўлга қўйилади.

Инсон хотираси муқаддас. Бу йўлда ҳарқанча эзгу ишлар қилинса арзийди. Лекин областимиз маҳаллий Советларида амалга оширилаётган ишларни ҳали талаб даражасида деб бўлмайди. Кўп ҳолларда уларнинг ташкилотчилиги, жанговарлиги сезилмаяпти. Қабристонларни янгича аташ, қабрларни нумерлаш, ёдгорлик тахтачалари ўрнатишни тартибга солиш изчил олиб борилмаётир. Хотира хиёбонларини ташкил этишга кўпгина қишлоқ ва маҳалла мутасаддилари эътиборсизлик билан қарамоқдалар. Бу эса жойларда янги анъаналарни ҳаётга татбиқ этишда етарлича ҳозиржавоблик қилинмаётганлигидан дарак бериб турибди.

Қ. ОДИЛБЕКОВА,
Октябрь районидаги Тимирязев номли совхоз паррандабоқари, халқ депутатлари Жиззах область Совети ижроия комитетининг аъзоси.

В. И. Ленин номли республика пионер ва ўқувчилар саройидаги «Қидирув» клуби аъзолари бир қатор ҳайрли ишларни амалга оширмоқдалар. Улар Улуғ Ватан уруши жангоҳларида фашист газандаларига қирон келтирган ватанпарварларнинг жасорати ҳақида ранг-баранг ҳужжатлар тўплаб, жанговар шуҳрат музейи ташкил этдилар. Музей клуб аъзоларининг изланишлари ҳисобига бойиб бормоқда. «Қидирув» клубига Улуғ Ватан уруши ветерани Ю. Нисенбойм раҳбарлик қилмоқда.

СУРАТДА. 1. Ўзбекистон халқ ёзувчиси А. Қаҳҳор қабрини зиёрат қилишмоқда. 2. «Қидирув» клуби раҳбари Ю. Нисенбойм пионер ва ўқувчиларга Буюк Ғалаба тарихидан ҳикоя қилиб бермоқда.

В. МОЛГАЧЕВ ва Р. ШАМСУТДИНОВ (ЎзТАГ) фотолари.

АВЛОДЛАР ХОТИРАСИ МАНГУДИР

«Гражданлар уруши қаҳрамонларининг, Советлар Республикасини империалист интервентлардан ва оқ гвардиячилардан қаттиқ туриб ҳимоя қилган барча кишиларнинг хотираси муқаддасдир... Улуғ Ватан урушида совет кишилари, солдатлар ва меҳнаткашлар кўрсатган жасорат абадийдир. Биз социалистик Ватан шон-шарафи ва озодлиги йўлида ҳалок бўлган, жаҳонни фашизм вабосидан қутқариш учун ўз жонини қурбон қилган кишилар хотираси олдида таъзим қиламиз».

(Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг совет халқига Мурожаатномасидан).

ИНСОНИЙ БУРЧИМИЗ

Улуғ Ватан уруши ветеранлари қаторида мен ҳам меҳнат коллективлари, мактаб ўқувчилари билан бўлган учрашувларда қатнашиб тураман. Фронт эсдаликларидан сўзлаб бераман. Ҳалок бўлган полкдош дўстларимни эслаганимда, уларнинг сиймоси кўз ўнгимда гавдаланади. Ҳаяжонимни яшира олмайман. Улар тўккан қон беиз кетмаганлигини ўйлаб, истиробим таскин топади.

«Мардлик — мангулик» деб бежиз айтилмаган. Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлганлар хотираси ҳеч қачон унутилмайди. Уларнинг ёрқин образлари жангномаларда, санъат асарларида яшамоқда. Атоқли саркардалар, қаҳрамон жангчиларнинг номлари берилган мактаблар, кўчалар оз дейсизми! Урганчдаги 13-маҳалла хоразмлик жангчи, Совет Иттифоқи Қаҳрамони П. И. Сизов номи билан аталади. Шу маҳаллада генерал Собир Раҳимов номидаги ўрта мактаб бор. Бундай мисоллар кўп.

Ҳар гал мен ўзим туғилиб ўсган Хонқадаги Саропоён қишлоғига борганимда, Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлганлар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик ёнида бир лаҳза сукут сақлайман. Бу ерда мангу олов ёниб турибди. Ҳалок бўлганларнинг номлари мармарга ўйиб ёзилган. Ватан учун жонларини фидо қилган ҳамқишлоқларимни эсга оламан. Тантанали кунларда, байрамларда бу ер одамларга тўлиб кетади. Келин-куёвлар тўй олдидан ёдгорлик пойига гуллар қўйишади, пионерлар шу ерда қасамёд қилишади. Шу фактнинг ўзи оловли йиллар, шон-шуҳрати сўнмаслигининг тимсоли эмасми!

Мен область маркази Урганч шаҳрида, ҳар бир қишлоқда шундай ёдгорлик бўлишини истардим. Урганчдаги Чапаев номли, Гурландаги Ленин номли, «Правда», Қўшқўпирдаги «Тошкент», Янгибозордаги «Москва», Янгиариқдаги Киров номли колхозларда Улуғ Ватан уруши қаҳрамонларига ёдгорликлар ўрнатилган. Аммо иқтисодий бақувват хўжаликларнинг ҳаммасида ҳам бу ҳайрли ишга эътибор берилаётир деб бўлмайди. Ахир, Ватан учун жонларини қурбон қилган мардлар хотираси ҳурматлаб-эъзозланиши халқнинг дилидаги эзгу муддао-ку. Бунинг тарбиявий аҳамияти катта эканлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Боғот районидаги Нариманов номли, Хонқа районидаги Охунбобоев номли колхозларнинг музейларида, Хива районидаги Фрунзе номли колхоз маданият саройидан революция, колхоз тузуми, уруш ва меҳнат ветеранлари портретлари ўрин олган. Уларнинг қисқача таржимаи ҳоллари, тарихий ҳужжатлар билан танишиш мумкин. Ҳозирги вақтда колхоз ва совхозларда, корхоналар ва мактабларда музейлар, жанговар шуҳрат клуби ва хоналари ташкил этиш учун реал имконият мавжуд. Халқ бахти учун курашган, ўз ҳаётларини эл хизматига бағишлаган ажойиб кишиларни авлодлар билишлари, улардан ибрат олишлари зарур. Маданият муассасалари бу соҳада катта роль ўйнашга даъват қилинганлар. Лекин, уларнинг фаолияти ҳали талабга жавоб бермайди.

Маълумки, ўтган йили республикамизда биринчи марта Хотира куни ўтказилди. Шу маросим муносабати билан анча ишлар амалга оширилди, қабристонлар тартибга келтирилди ва ободонлаштирилди. Афсуски, айрим жойларда бошланган хайрли ишлар тўхтаб қолди. Кўпгина қабристонлар қаровсиз қолдирилган, улардан баъзиларида , хурофотчилар изғиб юришибди. Ўтганлар хотирасига ҳурмат мавсумий тадбирга айланиб қолмаслиги керак. Бу масала доимий диққат-эътиборда бўлиши лозим.

Бизнингча, Хотира кунини ҳар тарафлама пухта тайёргарлик билан ўтказиш, унинг тарбиявий таъсирини ошириш, мазмунини бойитиш лозим. Бу янги совет маросими интернационал характерга эга бўлиб, кишиларимизда юксак маънавий фазилатларни шакллантириш, анъаналар давомийлигини мустаҳкамлашга, диний хурофотларга қарши курашни кучайтиришга хизмат қилиши керак. Хотира кунига тараддуд кўриш бўйича конкрет тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳар бир иш ижроси учун масъул кишилар белгиланиши мақсадга мувофиқдир. Маҳаллий Советлар бу соҳадаги ишларга етакчилик қилишлари, кенг жамоатчиликни актив жалб этишлари зарур, деб ҳисоблаймиз.

Ўтганлар хотирасини эъзозлашнинг моҳиятини ҳар бир киши онгига етказиш, омма ўртасида гоявий-тарбиявий ишни кучайтириш муҳим вазифамиздир. Бизнинг эзгу ниятимиз, яхши ишларимиз, Ватанга муҳаббатимиз, қалбимиз мусафолиги, табиатга, табаррук заминга меҳримиз — ўтганларга ҳурматимиз ифодаси. Педагог сифатида менинг фикрим шундай. Шу ҳақиқатни ёшларга тушунтиришни бурчимиз деб биламиз.

С. ОЛЛОБЕРГАНОВ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи.

Матонат

Улуғ Ватан урушининг жанговар йилномасида ёрқин саҳифалар яратган ватандошларимиздан бири Муллажон Узоқов эди. У Совет Армияси сафида хизматни 1929 йилда алоҳида ўзбек отлиқ тоғ батареяси ўқув взводи курсанти вазифасидан бошлаган. Кўп ўтмай тўп расчети командири қилиб тайинланди. Ташаббускор, ўткир зеҳни бу йигит батарея жангчилари олдида яққол кўзга ташланди. Уни ҳарбий-сиёсий билим юртига ўқишга юборишди. Орадан икки йил ўтгач, Муллажон Узоқовни билим юртининг энг яхши курсантлари қаторида В. И. Ленин номидаги ҳарбий-сиёсий академияга қабул қилишади. У 1938 йилда ушбу академияни муваффақиятли битирди.

Улуғ Ватан уруши йилларида М. Узоқов 103, 91-отлиқ дивизияларда комиссар, 14-гвардиячи дивизиянинг сиёсий бўлим бошлиғи вазифаларида Сталинграддан Эльба дарёсигача бўлган масофани жанглар билан босиб ўтди.

Айниқса Ворошиловград шаҳрини фашист босқинчиларидан озод қилишда Муллажон Узоқовнинг ҳарбий бошлиқлик маҳорати яққол намоён бўлди. Қўмондонлик дивизияга саккизинчи отлиқ корпус составида душман мудофаасини ёриб, Дебальцево станциясига ўтиб фашист алоқа воситаларини кесиб қўйиш, ўқ дори, бензин, техника ва қўшин юклаган эшелонларни Ворошиловград томонга ўтказмасликни топширди. Корпус душманга қарши ҳужумни муваффақиятли бошлаган бўлсада, орадан бироз вақт ўтгач, фашистлар ўзларини ўнглаб олишди. Улар жангчиларимизга қарши мотомеханизациялаштирилган қисм ва саҳатъий жанг қилишга шайландилар. Жангчиларимиз ўз кучлари билан қуршовдан чиқишга қарор қилдилар. Улар икки группага бўлиниб, гитлерчиларга қарши ҳаракат қила бошладилар. Дивизия командири генерал-майор Якунин бошчилигидаги 1-группа қуршовдан чиқиб олди. Лекин 2-группа душман қуршовида қолиб кетди. Бундан жангчилар саросимага тушмадилар. Узоқов солдатларни тўплади ва молётларни ташлашди. Жанглар ниҳоятда жиддий тус олди.

— Гитлерчиларнинг алоқа воситаларини йўқ қилиш учун конлардан фойдаланиш керак, — дея буйруқ берди М. Узоқов.

Разведкачилар группаси кончилар билан алоқа ўрнатиш учун душман ичкарисига ўтишди. Кончилар билан алоқа боғланганлиги яхши натижа берди. Улар ёрдамида дивизия жангчилари топшириқни бажаришди. Аммо корпус душман исканжасига тушиб қолди. Жангчилар душман билан янада жумга ташландилар. Етти кеча-кундуз давом этган шиддатли жанглардан сўнг улар ўз дивизияларига келиб қўшилдилар. Ана шу топшириқни бажаришда алоҳида мардлик ва жасорат кўрсатган жангчилар жанговар орден ва медаллар билан мукофотланди. М. Узоқов эса Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди.

Муллажон Узоқов Улуғ Ватан уруши ва урушдан кейинги йиллардаги хизматлари учун «II даражали Улуғ Ватан уруши», «Қизил Юлдуз», 3 марта Қизил Байроқ орденлари билан мукофотланди. У 1946 йилдан 1960 йилгача республика ҳарбий комиссари вазифасида ишлади.

Республикамиз меҳнаткашлари ўз содиқ фарзанди хотирасини дил тўрида сақламоқда. Кўпгина мактаблар, кўчалар унинг номи билан аталади. Муллажон Узоқов туғилиб ўсган Қўқон шаҳридаги марказий кўчалардан бирига унинг номи берилган. У ўқиган билим даргоҳларида ёдгорлик лавҳалари ўрнатилган. Қўқон шаҳар ўлкани ўрганиш музейида эса унинг таржимаи ҳоли ва жанговар йўлини акс эттирувчи алоҳида бурчак ташкил этилган.

А. ЭГАМБЕРДИЕВ.

УСТОЗ ЧИРОҒИ ЎЧМАГАЙ

Нарзи Тўхташев! Бу табаррук ном нафақат республикамизда, балки Иттифоқда ҳам ҳаммага таниш ва қадрдон. Самарқанд давлат университетининг физика-математика факультетини 1951 йили муваффақиятли тугаллаган Н. Тўхташев Пастдарғом районидаги А. С. Пушкин номли 31-ўрта мактабга ишга келади.

Изланувчан ва новатор педагог Н. Тўхташев муаллимлик билан бирга «Ленинобод» колхозида агитатор ҳамда пропагандистлик қилди, жамоат ишларида актив фаолият кўрсатди. Пешқадам ўқитувчи, билимдон педагог қишлоқ ёшларини физика ва математика фанининг сирли оламига йўллади.

Оддий ва камтар педагог Н. Тўхташев 1974 йили «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи», - орадан беш йил ўтгач «СССР халқ ўқитувчиси» фахрий унвонига сазовор бўлганди.

Унинг орзу-армонлари кўп эди. Бироқ бевақт ўлим уни орамиздан олиб кетди. Бутун ҳаётини жамият равнақи, фаровонлигига бағишлаган фарзандлари хизматини элу юрт унутмайди. Улар номини келгуси авлодга ҳам фахр ила етказади.

Эндиликда Нарзи Тўхташев туғилиб ўсган қишлоққа ҳамда 2-ўрта мактабга унинг номи берилган. Қобил шогирду фарзандлар, содиқ дўстлари бўлган устознинг ёққан чироғи асло сўнмагай!

Н. ЭШҚУВВАТОВ,
Самарқанд область, Пастдарғом район, «Москва» колхозидаги 24-ўрта мактаб методист-ўқитувчиси.

У БИРИНЧИЛАРДАН ЭДИ

Садриддин Отаев 1913 йили Бухоро область Ғиждувон район Ф. Юнусов қишлоқ Советидаги Ғадони қишлоғида туғилди. 7-синфни тамомлаб, Бухородаги «Ўқитувчилар тайёрлаш» курсида таҳсил олади. Сўнг ўзи ўқиган мактабда Улуғ Ватан уруши бошлангунга қадар она тили ва адабиётдан дарс бера бошлайди.

Ногаҳоний уруш. барча совет халқи қатори Садриддин Отаев хонадонидаги бахтиёр ҳаётга ҳам раҳна солди. У Ватан мудофаасига отланди. Киевни озод қилиш учун бўлган жангларда жасорат ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган С. Отаев душман танкларини ёндираётиб оёғидан қаттиқ яраланади. Жароҳати тузалгач, яна душмандан қасос олишни давом эттиради. Бироқ оғир жангларнинг биридa у ҳалок бўлади.

С. Отаевнинг умр йўлдоши Маҳбуба опа икки фарзандига ҳам оналик, ҳам оталик қилди. Ҳозир уларнинг ҳар иккиси ҳам оилали. Бири отаси ишлаган мактабда ўқитувчи, иккинчиси тиббий хизмат кўрсатиш ҳамшираси.

Ҳамқишлоғимиз, биринчи ўқитувчи С. Отаев хотираси ҳамиша қалбларда абадий яшайди.

М. БАҚОЕВА,
Ф. Юнусов номли 36-мактабнинг ўқитувчиси.

Ўтганлар ҳурмати

Инсон бир умр Ватаним, халқим деб яшайди. Ҳаётда нимага эришган бўлса, уни тирикларга мерос қолдиради. Биз ана шу меросни асраб-авайлаб, Ватанимиз бахт-саодати йўлида жон фидо қилган кишиларнинг порлоқ хотирасини эъзозлашимиз керак.

Марҳумлар хотирасини ёд этиш азалдан бор нарса. Лекин у кўпинча диний йўналишда бўларди. Дафн маросимларига кўп маблағ сарфланса-да, шахс хотирасини қадрлаш борасида бирор амалий иш қилинмасди. Баъзи кишилар ота-боболарининг қабрини кўрсатиб беришолмас эди. Шу жиҳатдан қараганда ўтган йили Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Хотира кунини нишонлаш тўғрисидаги Фармони катта аҳамият касб этди. Хотира куни ўтказилиши муносабати билан район ижроия комитети қошида 19 кишидан иборат махсус комиссия тузилиб, унинг составига ижрокомнинг масъул ходимлари, ташкилот, муассаса раҳбарлари киритилди, уларга аниқ вазифалар топширилди.

Ўтган Хотира кунида райондаги мавжуд 53 та қабристоннинг атрофи девор билан ўралди, ҳашар йўли билан тозаланди, йўлкалар чиқарилди ва асфальт ётқизилди. Аксарият қабристонларда Хотира хонаси ташкил этилиб, жиҳозланди. Бу ерда марҳумларнинг рўйхати, суратлари, элга хизмати сингган марҳумлар ҳақидаги маълумотлар бор. Кўп қабрларга белгилар қўйилди.

Хотира кунини диний маросимга айлантириб юбормаслик чоралари кўрилди, назорат кучайтирилди. Бу ишга партия, меҳнат ветеранлари, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари жалб этилди.

Бу соҳада район марказидаги Камолтепа, Пахтаобод, Ўрта Шаҳрихон қишлоқ Советлари территориясидаги қабристонларда амалга оширилган ишлар таҳсинга лойиқдир. «Камолтепа» қабристони қошида марҳумларга ёдгорлик лавҳалари тайёрлаш цехи ишлаб турибди. Қабристонларни тартибга келтириш ва обод қилишда шаҳрихонлик Омонилла Фахриддинов, қишлоқ активларидан Ҳасанбой Ҳаитов, Йўлдош Мавлонов ва бошқалар фидокорлик кўрсатмоқдалар.

Шаҳрихонлик маърифатпарвар шоир Оразий дафн этилган жойда ёдгорлик қурилди. Шаҳрихонда яшаб ижод этган шоир Ҳайратий, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари Вильдан Ҳабиев, Усмон Ёқубов хотирасини абадийлаштириш мақсадида мактабларга уларнинг номлари берилди.

«Правда» колхози меҳнаткашлари Найнаво қабристони комплекси барпо этиб, унга Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган кишиларнинг номларини зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйдилар. Бу ерда мангу олов ёниб турибди. Бундай ёдгорликлар районимиздаги 9-, 16- 31-ўрта мактабларда ҳам ўрнатилди. Улар атрофига кўплаб дарахт кўчатлари ва гуллар экилди. Эндиликда бу ерлар меҳнаткашларнинг зиёратгоҳига айланиб қолди.

Шаҳар кўчаларидан иккитасига Улуғ Ватан урушида алоҳида жасорат кўрсатган гвардиячи капитан Дониёр Абдураҳмонов, Шаҳрихон саноатини ривожлантиришда фаол қатнашган Салим Шайдуллаев номи берилди. Пионер дружиналари районимизда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш, босмачилар тўдасига қарши кураш ва колхоз тузумининг жонкуярлари бўлган Темир Юсупов, Охун Зиёев номи билан аталади. «Ленинизм» колхозида хўжаликка узоқ йиллар раҳбарлик қилиб, экономикани юксалтиришга катта ҳисса қўшган Исмоилжон Низомов, «Октябрь» колхозида эса халқ маорифининг жонкуяри Турдали Мирзааҳмедов номли кўчалар бор.

Шунга қарамасдан Хотира кунида қиладиган ишларимиз ҳали кўп. Шаҳрихонлик ёзувчи ва таржимон Тўхтасин Жалолов, 1 Бутуниттифоқ ишчи-деҳқон мухбирлари съезди қатнашчиси Жамолиддин Низомиддинов, биринчи агроном Ғойиб Каримбоев, «Ҳужум» ҳаракати қатнашчиси Иномхон Мансурова, хотин-қизлар Советининг биринчи раиси Санамбу Абдураззоқова, босмачиларга қарши курашда катта хизмат кўрсатган Ҳудойберди Мамадалиев, Мемур Тавадов ва бошқа марҳумларнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, номларини абадийлаштириш борасида ҳеч иш қилганимиз йўқ.

Ўзбекистон, Ленинобод қишлоқ Советларининг раҳбарлари шанига ҳам айтадиган гапларимиз бор. Улар қабристонларга яхши қарамайдилар. Қумқишлоқ, Қизил байроқ қишлоқларидаги қабристонлар қаровсиз, атрофи қануз девор билан ўралмаган.

Хотира куни қабристонга бориб, ўтганларни эслаб қўйишгина эмас, у эскича урф-одатларнинг томирига болта уриш, қабристонларни чинакамига обод қилиш, ўт босган қабрларни тозалаш, бу ерда ётган марҳумларни аниқлашни одат тусига киритиш демакдир. Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари Хотира кунини ўтказишдан кўзда тутилган мақсадни аҳолига кенг тушунтиришлари, марҳумларнинг порлоқ хотирасини ёдга олишнинг янгича анъаналарини қаётга татбиқ этишлари лозим.

Кези келганда марҳумларга ёдгорлик лавҳалари ўрнатиш билан боғлиқ бўлган баъзи мулоҳазаларимни айтмоқчиман. Марҳумлар орасида ҳаётда яхши ном қолдирган кишилар кўп. Лекин уларга ёдгорлик лавҳалари қўйилмаган, қабрлари мунгайиб туради. Сабаби уларнинг фарзандлари тақдир тақозоси билан бошқа жойларда яшайдилар. Баъзи фарзандлар ота-боболарининг қабрларини унутиб юборишган, десак ҳам бўлади.

Умрида бировга нафи тегмаган, фақат ўз фароғатини ўйлаган айрим марҳумларнинг қабри устида эса қимматбаҳо мармар тошлар ялтлюлт қилиб туради. Бу даромади тирикчилигидан ортмайдиган кишиларни ва жамоатчиликни ранжитадиган ҳолатдир.

Қабристонларда тартиб ўрнатиш учун нима қилиш керак? Ҳамма учун бир хил тавсиянома ишлаб чиқилса бўлмасмикин? Низомда марҳумнинг жамиятда тутган ўрни, хизмати ҳисобга олинса, унга қандай ёдгорлик лавҳаси ўрнатиш лозимлиги ва бошқа йўл-йўриқлар қайд этилса. Ёдгорлик лавҳаси масъул бир ташкилотнинг рухсатномаси билан ўрнатилиши керак. Ана шунда пала-партишликка чек қўйиларди.

Бунинг тарбиявий аҳамияти ҳам беқиёсдир. Чунки, биз қилаётган ҳар бир ишнинг мазмуни мақсад нуқтаи назаридан тириклар маънавиятига таъсир кўрсатади. Ўтмиш хотираси келажак учун зарурдир. Биз ўтмишдан ўқиш, ишлаш, қуришни ўрганамиз. Бу, ёшларни кекса авлод ишига садоқат руҳида тарбиялашда муҳим роль ўйнайди.

Биз Хотира кунини белгилаб олган тадбирларимиз асосида ўтказяпмиз. Марҳумлар хотирасини абадийлаштириш билан боғлиқ бўлган ишларимизни изчил амалга оширишга ҳаракат қиламиз.

С. МАНСУРОВ,
Андижон область Москва район ижроия комитети раисининг ўринбосари, Хотира кунини ўтказиш район комиссияси раиси.

• *Болаларингизга ўқиб беринг*

Қани, келинг даврага

Қани, келинг болалар,
Ўйнанг, кулинг болалар...

Қаҳқаҳангиз, кулгингиз
Боғларни уйғотади.
Ғайратингиз, шаҳдингиз
Дилда завқ қўзғотади.

Сиз агар ўйнасангиз
Қарсак чалар япроқлар.
Сиз агар куйласангиз
Жўр бўлади ирмоқлар.

Ҳавас қилиб осмонда
Қушлар тушади ўйин.
Чаманларда, бўстонда
Баҳор бошлайди тўйин.

Сизни кўриб қуёшжон
Яшнаб, кулиб боқади.
Шўхлигингиз шамолнинг
Пешига ўт ёқади.

Сиз билан гўзал ҳаёт,
Жонланиб, кулар дунё.

Сиз кулинг,
Сиз бўлинг шод,
Сиз умримизга маъно.

Қани, келинг болалар,
Ўйнанг, кулинг болалар...

Ўн уч ёшимда

Ёш дилимда ҳаяжон,
Тинч қўймас ҳеч хаёллар.
Олам сирли кўзимга,
Туғилар минг саволлар.

Умидларим бир жаҳон,
Қанча билсам шунча оз.
Яшаш қандай завқлидир,
Кўриш, излаш қандай соз!

Тинглаб олам оҳангин
Юриб қадам-бақадам,
Ўзим учун мен янги
Очмоқдаман бир олам.

Ҳавас мени етаклар,
Ҳаётимга бергум зеб.
Кўнгил тўлмас бугундан,
Яшаяпман эрта деб.

Бир оилада

Бизникидир
Шу қир, боғлар,
Бизникидир шу чаман.
Шуълаларга
Чўмилгандир
СССР — она Ватан.
Ун беш қардош
Республика
Бағрида яшнар кўклам.
Ун беш қондош
Ака-ука
Баробар ташлар қадам.
Ун беш жондош
Ака-ука
Меҳрибон, дўст, ўртоқдир.
Шу меҳрдан,
Шу дўстликдан
Кунларимиз порлоқдир.
Дўстлар бир жон,
Бир оила,
Яшайди шод, фаровон.
Тинчлик бўлсин,
Офтоб кулсин,
Чарақлаб турсин осмон!

Уруш бўлмас дунёда

Нега урушар одам!
Ўйлаб қоламан гоҳо.
Жуда ҳам кенг-ку олам,
Сиғишмасми унга ё!
Ёки етмасми қуёш,
Ёки етмасми гуллар!
Сув, ҳаво бўлмас одош,
Нима талашар эллар!
Наҳотки қурол ишлаб
Одам ўзин ўлдирса!
Ўзи боғ парваришлаб,
Ўзи ёқса, куйдирса!
Уруш нимага керак,
Ким урушни истайди!
Қандай яхши яшамоқ,
Ким ўлишни истайди!
Йўқ, уруш бўлмаган гап,
Уруш бўлмас дунёда,
Фақат эртакка ўхшаб
Қолиб кетсин кинода.

Рауф ТОЛИБ.

Десантчилар

Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округи. Десантчилар жанговар ва снёсий тайёргарликда юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Улар қишин-ёзин, куз ва баҳорда — йилнинг барча фаслларида ўқув имкониятларидан самарали фойдаланиб, ўз маҳоратларини оширмоқдалар. Улар Ватанимизнинг ишончли посбони бўлиб етишмоқдалар.

Десантчи ҳавога кўтарилиш учун катта меҳнат қилиши, мунтазам машқ қилиши лозим.

Суратларда: 1. Жанговар ва снёсий тайёргарлик аълочиси кичик сержант Олег Слюсар. 2. Парашютда сакраш бўйича машқ пайти. 3. «Душман» ичкарисига десант туширишни тасвирланган.

В. МИЛЕНЬКИЙ фотолари (ЎзТАГ).

ЮЛҒИЧЛАР ТЎДАСИ

Фельетон

Ботир Қўчқоров бошига шундай кўнгилсизликлар тушар деб ўйламаганди. Ўйнабкулиб, давру даврон суриб юрган эди-я?! Кўл югуриги бошга деганлари, наҳотки, шу бўлса?! Тинчгина оиласини ҳам ташвишга солиб қўйди. Ҳамма қатори тўғри юра қолгани яхшимасмиди?!

Мана энди «Нафсим қурсин!» — дея бошини қайга уришини билмай турибди. Начора, эндиги пушаймондан фойда йўқ.

Йигит шу кунга етгунча олис фирибгарлик йўлини босиб ўтди. Дастлаб Қамаши район матлубот жамиятига қарашли 3-аралаш моллар магазини мудирлиги лавозимини эгаллаб турди. Масталаст ҳолда тентираклаб юриш, маиший бузуқлик унинг доимий одатига айланди. Бундай тарала-бедод учун катта пул керак, шубҳасиз. Ботир бу масалада асло ташвиш тортмади. Катта дўконнинг кассаси унинг киссасига айланиб қолган эди. Беҳисоб дунё қаерда бор дейсиз? Магазин яхшилаб тафтиш қилиб кўрилганда, 28 минг 984 сўмлик мол кам эканлиги аниқланди.

«Наҳотки, ичкиликка, маишатбозликка шунча пул кетса?! — кўзлари косасидан чиққудай бўлиб туриб қолди Ботир Қўчқоров. — Гап кўчага чиқмасидан яхшиси ўртоқ Ҳамидовни қўлга олай».

Дўстмамат Ҳамидов кооператив институтини битирган, ўттиз ёшлар атрофидаги эсли-ҳушли, гапга тушунадиган киши. Эгаллаб турган лавозими ҳам чакки эмас — Қамаши район матлубот жамиятининг ревизори.

— Ёрдамингизни аяманг, — унга ёлборди Ботир Қўчқоров. — Хизматингизга тайёрман.

— Қандай қилиб шунча молнинг ўрнини қопламоқчисан?

— Акамдан қарз олиб тураман.

Ўзаро хуфёна келишув узоқ давом этмади. Хуллас, Ботир Қўчқоров ревизорнинг кўнглини топди. Шу заҳотиёқ у Қамаши район матлубот жамиятининг 11-аралаш моллар магазинида мудир бўлиб ишлаб турган акаси Шуҳрат Қўчқоровнинг ҳузурига етиб борди. Ака-ука ўзаро келишган ҳолда қалбаки ҳужжатлар тайёрлаб, молсиз операцияни амалга оширишди. Шундай қилиб, Ботир Қўчқоров қилган камомаднинг ўрни тўлдирилгандай бўлди.

Ботир Қўчқоров яна дўпписини чамбарак қилиб юраверди. Энди у «Қашкадарьяводстрой» трести ишчилар таъминоти бўлимига қарашли 9-аралаш моллар магазини мудири. Ўша махфий операция чоғида акаси Шуҳрат Қўчқоровдан «олган» (аслида фақат керакли қоғоз расмийлаштирилган) 27955 сўм қарзини узиши керак. Бу ўринда ҳам тағин кўзбўямачилик қўл келди. Хуллас, жигаргўшалар орани очиқ қилиб олишди.

Кунларнинг бирида 9-магазинга ишчилар таъминоти бўлимидан ревизор Абдураим Йўлбарсов келиб қолса бўладими?! Ботир Қўчқоровнинг ранги қув ўчди, оёққўлларини титроқ босди. Ҳа, катта камомад чиқиши маълум. Аслида шундай бўлди ҳам. Моллардан 47145 сўмлик, идишлардан эса 1360 сўмлик кам эканлиги аниқланди.

Ботир Қўчқоров бу гал ҳам сувдан қуруқ чиқиш ҳаракатига тушди.

— Ёрдам беринг, жон ака! — ялина бошлади у тафтишчига. — Жувонмарг бўлиб кетмай.

Абдураим Йўлбарсов ерга қаради. Узоқ вақт шу аҳволда туриб қолди.

— Келинг, ака, — деди астагина Ботир Қўчқоров. — Мана, бир минг сўм.

Нафс ўлсин-а! Абдураим Йўлбарсов таваккал қилиб магазинда йўқ бўлган молларни бор деб ёзиб кетди...

Лекин орадан кўп ўтмай Ботир Қўчқоров ишни топширадиган бўлиб қолди. Ҳисоб-китоб пайтида, албатта, катта камомад чиқади. Қандай бўлмасин чорасини топиши керак. У Қамаши район матлубот жамиятига қарашли 44-аралаш моллар магазини мудири Қўзимурод Равшановни йўлдан оздирди. Равшанов сахийлик қилиб 47 минг сўмликдан зиёд молни қарзга бериб юборди. Яна омади келган Ботир Қўчқоров Нишон район матлубот жамиятининг 31-саноат моллари магазинига мудирликка жойлашди.

Энди гапни Қўзимурод Равшановдан эшитинг. «Кўза кунда эмас, куни битганда синади», — деганлари рост экан. Дўконидаги моллар тафтиш қилиб кўрилганда 150983 сўм камомад чиқиб қолса бўладими?! Ўзини қўярга жой топа олмай қолди. Оёғини қўлига олганча Ботир Қўчқоровнинг ҳузурига етиб борди.

— Иш чатоқ! Тезгина қарашиб юбормасангиз бўлмайди, ака! Олган қарзингиз ёнига яна қўшинг.

— Яхши! — деди Қўчқоров. — Лекин бирдан эмас, бир неча марта мол бераман.

Қарға қарғанинг кўзини чўқимас экан. Ваъда бажарилди. Қўзимурод Равшанов мудир бўлган магазинга бирин-кетин 97678 сўмлик мол бориб тушди. Орадан кўп вақт ўтмай Ботир Қўчқоров ўзи ишлаб турган магазинни бошқа кишига топшириши керак бўлиб қолди. Ҳисобот пайтида 146246 сўм етишмовчилик борлиги аниқланди. Хуллас, Ботир Қўчқоров энди чинакамига боши берк кўчага кириб қолган эди... Шу ўринда: «Қўзимурод Равшанов осонгина қутилиб кетдими?» — деган савол туғилиши мумкин. Ҳеч-да! Унинг ҳам иши пачава...

Қамаши район матлубот жамиятига қарашли 18-магазин мудири Зиёдулла Жумақулов билан «Қашкадарьяводстрой» трести қошидаги ишчилар таъминоти бўлимининг 12-магазинида мудир бўлган Раҳмонқул Бўроновларнинг қилмишлари ҳам жуда нафратланарли. Савдо корхоналарида катта вазифаларга ўрнашиб олган бу ака-укалар ўзаро тил бириктириб, давлат ва кооператив мулкини талон-торож қилиш билан шуғулланиб келганлар. Қамаши райПОсида магазин мудири бўлган Каромат Шодмонов, шу ташкилот бош бухгалтери Абдурасул Шукуров билан ревизори Ҳусан Суяров, «Қашкадарьяводстрой» трестининг ишчилар таъминоти бўлимида яхшигина ўринларни эгаллаб келган Мўмин Аҳмедовлар ҳам шу кунларда пушаймон бўлиб юришибди. Эгри йўлга кирган кимсаларнинг қисмати бундан бошқача бўлиши мумкин эмас.

Юлғичлар тўдасининг кўзга кўринган вакили Шуҳрат Қўчқоров (Ботир Қўчқоровнинг акаси) ҳақида батафсилроқ ҳикоя қилишни лозим топдик.

Шуҳрат ўттиз олти ёшга қадам қўйди. Оилалик. Симферополь давлат университетининг филология факультетини тугатган. Демак, у дипломли мутахассис. Шу даражага етгунча давлат Қўчқоровга озмунча сарф-харажат қилганми? Бунинг эвазига у астойдил ишлаб, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашда жонбозлик кўрсатиши керак эди. Зеро, Шуҳрат яшайдиган Қамаши районида, қолаверса, Қашқадарё областида рус тили ва адабиёти ўқитувчиларига бўлган эҳтиёж жуда катта. Буни у яхши биларди. Афсуски, Қўчқоров енгил-елпи яшаш йўлига кирди. Ақлли одам қиладиган ишининг охири нима билан ва қандай тугашини олдиндан кўз ўнгига келтириши керак. Акс ҳолда мушкул аҳволда қолади. Шуҳрат Қўчқоров шундай ҳолатда. Қамаши район матлубот жамиятига қарашли магазинда мудир бўлиб ишлаб турган пайтида савдо қоидаларини қўпол равишда бузиб, укаси Ботир Қўчқоров томонидан қилинган камомадни бекитишда кўмаклашмаганида эди, балки шундай бўлмасмиди?!

Ўн бир шахснинг қилмишларини қисқача баён этиб ўтдик. Қамаши ва Нишон район матлубот жамиятларида ҳамда «Қашкадарьяводстрой» трести ишчилар таъминоти бўлимида давру даврон сурган бу кишилар ўз қилмишлари учун жавоб беришлари шубҳасиз. Аммо бошқа муҳим гап ҳам бор: йўл қўйилган хатоларни тан олишнинг ўзи камлик қилади. Келгусида яна шундай бўлишига йўл қўймаслик учун қандай тадбирлар белгиланган ва уларни амалга ошириш борасида нималар қилинаётгани кўпчиликни қизиқтиради. Юқорида номлари айтиб ўтилган савдо ташкилотлари бу масалага қандай қарор экан?

У. ЮСУПОВ,
М. КАРОМОВ.

ГАЗЕТА ТАХЛАМЛАРИНИ ВАРАҚЛАГАНДА

«Қизил Ўзбекистон» [«Совет Ўзбекистони»] 62 йил илгари ёзган эди:

ХАЛҚҚА ТИББИЙ ЕРДАМ

Фарғона музофотида яна 2 участка касалхона, 12 фельдшерлар пункти очилди, 28 доктор келди. Улардан 4 таси жарроҳ. Марғилон уездининг Водил қишлоғида 40 жойлик болалар санаторияси ташкил этишга киришилди.

Участка касалхоналарини тузатиш ва бино қилиш учун Марказдан 25 минг сўм олинди.

ХОРАЗМДА «ЎТОМОЧ»

Хоразм вилоятига олдирилган «Ўтомоч» (трактор)лардан бири катта бир қишлоққа чиқарилиб, деҳқонларга катта ерларни ҳайдаб кўрсатилди. Деҳқонлар бунга жуда қизиқдилар ва ҳукуматдан «ўтомоч»ларни кўплаб юборишни илтимос қилдилар.

ЯНГИ МУЗАХОНАЛАР

Маориф комиссарлиги осоратиқа идорасига эски Бухоро, Қўқон, Хива шаҳарларида янги музаханалар очишни таклиф этди. Яна музаханалар ёнида деҳқончилик бўлимлари очилур.

Бухородаги осоратиқаларни сақлаш ва Самарқанддаги Ғўриамир, Тиллақори, Шердор, Шоҳизинда ва Улуғбек биноларини тузатишга қарор қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КИНОСИ

Ўзбекистон маориф комиссарлиги яқинда Ўзбекистон рус кино шеркати билан шартнома тузиш ишларини бажариш учун Москвага вакиллар юборди. Маориф комиссарлиги ўзбек давлат киноси ташкил қилишга тезлик билан киришишга қарор қилди. Кино идорасининг штати тасдиқланди. Зарур материаллар сотиб олинмоқда.

САМАРҚАНДДА МУЗИКА ТЕХНИКУМИ

Маориф комиссарлиги Самарқандда Шарқ ва Европа усулида музика техникуми очишни мувофиқ топди. Бу техникум яқинда очилиб, унга Тошкент музика техникуми ҳам қўшилғусидир.

Тайёрловчи Тўлқин РУСТАМОВ.

• *Спорт*

БАСКЕТБОЛ:

ҚЎШИМЧА ВАҚТДА

Олий лига командалари мамлакат чемпионатининг пешқадам коллективлари ўртасида ўтказилган суперфинал учрашувлари мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. Чемпионатнинг олтин медаллари учун Каунаснинг «Жальгирис» ва ЦСКА командалари ўзаро куч синашдилар. Ғолибни аниқлаш учун ўтказилган икки учрашувда чемпион аниқланмади. Москвада ўтказилган ҳал қилувчи баҳсда эса ўйин тугаб ҳисоб 83:83 бўлиб қолди. Шундан кейин қўшимча вақт белгиланди. Бунда «Жальгирис» баскетболчилари умумий ҳисобни 93:83 га етказиб, кетма-кет учинчи марта чемпион номига сазовор бўлишди.

ХОККЕЙ:

КАНАДА САФАРИ

СССР терма командаси Канадага жўнаб кетди. Хоккейчиларимиз у ерда ўнта халқаро ўртоқлик учрашуви ўтказишади. Канада олимпиада терма командасига номзодлар билан ўтказиладиган учрашувга мухлислар қизиқиш билан қарамоқдалар. 24 хоккейчига Б. Майоров билан Б. Михайлов устозлик қилишмоқда.

ФУТБОЛ:

ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИДА

СССР терма командаси Будапештда Венгрия футболчилари билан ўтказилган ўртоқлик учрашувида муваффақият қозонди. Ғалаба келтирган ягона тўпни 63-минутда В. Лютий дарвозага йўллади.

ЕР ҚИМИРЛАДИ

26 март куни соат 17 дан 57 минут ўтганда «Тошкент» сейсмик станцияси ер ости силкинишини рўйхатга олди. Зилзила маркази Тошкентдан саксон километр шимоли-шарқда — Қозоғистоннинг Чимкент области территориясида бўлди.

Зилзила марказида ер силкинишининг кучи салкам олти балл, Тошкентда тўрт, Чимкентда уч ярим, Ғулистонда уч балл бўлди. (ЎзТАГ).

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

РЕКЛАМА ЭЪЛОНЛАР

ТУРИСТ

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ

ЎЗ ОТПУСКАНГИЗДА ҲАММА ҚУЛАЙЛИКЛАРГА ЭГА БЎЛГАН «К. ФЕДИН» ТЕПЛОХОДИДА ВОЛГА БЎЙЛАБ САЁҲАТГА

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ДАРЁ САЁҲАТЛАРИ НИҲОЯТДА КЎНГИЛЛИДИР. ТАБИАТ МАНЗАРАЛАРИ, ДАРЁ ҲАВЗАЛАРИ, ҚУЁШ ВА МУСАФФО ҲАВО ЯХШИ ДАМ ОЛИШИНГИЗГА ЁРДАМ БЕРАДИ.

ТЕПЛОХОДДА САЁҲАТ ҚИЛИШ ПАЙТИДА СИЗЛАР КАРЕЛИЯ АССРда, КИЖИ ВА ВАЛААМ ОРОЛЛАРИДА БЎЛАСИЗ.

Сафар Саратов шаҳридан бошланади. Саратов Волга бўйида жойлашган энг қадимий шаҳарлардан бири ҳисобланиб, унинг тарихи С. Разин ва Е. Пугачёв раҳбарлигидаги деҳқонлар уруши аланга олган даврлар билан узвий боғланган. Афсонавий қаҳрамон В. И. Чапаев шоншуҳрати ҳам ана шу Саратов чўлларидан бошланган. Ю. Гагариннинг ёшлик йиллари ҳам шу ерда кечди.

«К. ФЕДИН» теплоходи тўхтаб ўтадиган ВАЛААМ ОРОЛЛАРИ ҳам кишида катта қизиқиш уйғотади. Бу ерларнинг табиати шафқатсиз, аммо жуда гўзал. Инсон қўли билан бунёдга келган олча ва олма боғлари, дуб ва кедр ўрмонзорлари арчазор ҳиёбонлар саёҳатчиларнинг диққатини ўзига тортиб келади.

Валаам ороли билан кўпдан кўп рассомлар, ёзувчилар, композиторларнинг номлари боғланган. Бу ерда И. И. Шишкин, Ф. К. Васильев, П. И. Чайковский, А. Н. Толстой ва жуда кўп бошқалар бўлишган. Ҳозирги кунда Валаам тарихий-архитектура музей қўриқхонаси саналади.

Сафар вақтида туристлар революция бешиги Ленинград шаҳрида ҳам бўлишади.

ТУРИСТЛАР КАРЕЛИЯ АССР ПОЙТАХТИ — ПЕТРОПАВЛОВСК ШАҲРИДА БЎЛИБ, УНИНГ ДИҚҚАТГА САЗОВОР ЖОЙЛАРИ БИЛАН ТАНИШАДИЛАР.

Кижидаги учрашувлар ҳам туристларда унутилмас хотира қолдиради. Бу ерда жойлашган тарихий-архитектура ва этнография музей-қўриқхонасида қадимий рус рассомчилигининг ажойиб ёдгорликлари авайлаб сақланмоқда.

Жаҳоннинг энг йирик дарёларидан бири Волга бўйлаб сафар туристларда унутилмас таассуротлар қолдиради. Туристлар путёвкада кўрсатилган категорияларга мувофиқ қулай каюталарда жойлашадилар. Овқатланиш учун эса сизларни теплоход ресторанларига таклиф этишади.

Экскурсия программаси теплоход ўтадиган шаҳарлардаги туристик хизмат кўрсатиш планига кўра амалга оширилади.

Саёҳат 30 МАЙДАН 20 ИЮНГА қадар давом этади.

Путёвка баҳоси — 443 сўмдан 523 сўмгача.

Путёвка қийматига самолётда бориш ва қайтиш, теплоходда бориш ва қайтиш, овқатланиш, жойлашиш, экскурсия хизмати кўрсатиш ҳаражатлари киради.

Ҳамма масалалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинг: 700078, Тошкент шаҳри, Намойишлар хиёбони, 5-уй, телефон — 39-13-12.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг САНИТАРИЯ, ГИГИЕНА ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ лабораториялар бўйича ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

катта илмий ходимлар: шовқин ва вибрацияни ўрганиш, заҳарли моддаларнинг узоқ оқибатларини ўрганиш, гигиена ва пестицидлар токсикологияси, минерал ўғитлар, болалар ва ўсмирлар гигиенаси;

кичик илмий ходимлар: атмосфера ҳавоси гигиенаси, саноат заҳрини ўрганиш ва химиявий моддалар ишлатиладиган меҳнат гигиенаси, заҳарли моддаларнинг узоқ оқибатларини ўрганиш (2), қишлоқ гигиенаси, гигиена ва пестицидлар токсикологияси, минерал ўғитлар (2), заҳарли моддалар аналитик химияси, болаларни овқатлантириш гигиенаси.

ШАРТНОМАЛАР БЎЙИЧА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТЛАР СЕКТОРИГА

кичик илмий ходимлар: (4).

Конкурс муддати — 11 апрелгача.

Конкурс тўғрисидаги низомга мувофиқ тайёрланган ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700056, Тошкент, Циолковский кўчаси, 325-уй, Телефонлар: 67-73-06, 67-47-84.

ЦЕНТРОСОЮЗнинг Бутуниттифоқ кооператив савдоси илмий-тадқиқот институти (ВНИИЭКТ) ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ФИЛИАЛИ секторлар бўйича ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудир: хўжалик механизми (иқтисод фанлари кандидати);

катта илмий ходимлар: саноат экономикаси ва тайёрлаш (2); енгил саноат моллари бозорларининг тадқиқоти (2);

кичик илмий ходимлар: саноат ва тайёрлаш экономикаси (2), савдо коньюктураси ва область лабораториялари билан ишлашни ўрганиш.

Конкурс муддати — 1987 йил 1 июлгача.

Адрес: 700003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон проспекти, 45-уй.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 27/III да Гўзал Василиса (12.00), Отелло (19.00), 28/III да Гўзал Василиса (12.00), Масхарабозлар (19.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/III да Сўнгги қабул, 28/III да Ўғрини қароқчи урди.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 27/III да Хийлан шаърий, 28/III да Мангулик.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — мактаб ўқувчиларининг баҳорги каникул кунларида Москва цирки артистларининг гастроллари (13, 16, 19.30).

«Гунча» журнали коллективи журналнинг катта редактори С. Ғафуровга онаси Зарифа САЙФУЛЛАЕВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

• *Тингланг, томоша қилинг*

27 март, жума

Телевидение

МТ-I. 8.00 — Зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 — Время. 9.15 — «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Бадиий фильм. 5 ва 6-сериялар. 11.35 ва 16.30 — Янгиликлар. 16.45 — Қувноқ стартлар. 17.30 — Ҳужжатли фильмлар. 19.15 — Инсон ва қонун. 19.45 — Дунё воқеалари. 20.10 — Театр шарҳи. 21.30 — Время. 22.05 — Шахмат оламида. 22.15 — «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Бадиий фильм. 6-серия. 23.30 — Дунё воқеалари. 23.40 — Концерт.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 — Онамларнинг мактаби. 10.05 — К. Гоцци. «Ворон». Спектакль. 12.05 — Инглиз тили. 12.35 — Болалар учун фильм. 14.05 — Қишлоқ янгиликлари. 15.05 — Концерт. 16.15 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Визнинг уй. 19.30 — Саёҳатчилар клуби. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Концерт. 21.15 — Агар соғлом бўлай десанг. 21.30 — Время. 22.05 — Илмий-оммабоп фильм. 23.15 — Қўл тўпи. СССР чемпионати. 23.50 — Янгиликлар.

ЎзТВ-I. 7.05 — Ритмик гимнастика. 7.30 — Ўринбосарлар улгаймоқда. 7.50 — Салом, кичкинтойлар! 8.00 — Ахборот. 8.20 — Тонгги тароналар. 16.35 — Телефильм. 17.10 — Болалар учун фильм. 17.30 — Янгиликлар. 17.40 — Техника ижодиёти мактаби. 18.15 — Ёшлик. 18.50 — «Артек табассуми». 19.20 — Хотира кунига. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Телефильм. 20.00 — «Кўзи очилди». Ниқоблар йиртилганда туркумидан. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳужжасизликка қарши курашамиз! 22.45 — Бугун оламда нима гап? 23.00 — Эртага — премьера.

ЎзТВ-II. 19.25 — «Йилқи ўғирлаш». Бадиий фильм. 20.40 — Ритмик гимнастика. 21.00 — Хотира кунига. 21.30 — Время. Фрунзе кўрсатади. 22.05 — «Муваффақият». Бадиий фильм.

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбекистон композиторларининг қўшиқлари. 9.30 — Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига. 10.15 — «Чиннигул» хори куйлайди. 12.10 — Ўзбекистон бинокори. 13.00 — Чорвадор. 13.30 — С. Ротару куйлайди. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.40 — Юлдузча. 16.00 — Дўстларимиз овози. 18.15 — Социалистик турмуш тарзи. 18.30 — Созандалар ҳақида ҳикоялар. 19.20 — Огонёк. 20.30 — ЎзССР Давлат спорт комитети совғини учун футбол бўйича турнир. «Пахтакор» — «Геолог» (Тюмень). 21.00 — Яйлов узра қўшиқ янграйди. 22.30 — Халқаро театр кунига. 23.30 — Дам олиш концерти.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР
Издается на узбекском языке

Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Р. — 08648. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. В. — 70. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12